

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 31 май куни аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Дунёда озиқ-овқат билан боғлиқ чекловлар ва нархларнинг ўсиши кун сайин кучаймоқда. Жаҳон бозорларида бугдой нархи 50 фоизга, ўсимлик ёғи 33 фоизга, шакар 14 фоизга, нефть 47 фоизга ошди. Албатта, бу юртимиздаги нарх-навога ҳам таъсир кўрсатаётти. Масалан, май ойида Қашқадарё ва Наманган вилоятларида картошка, ун, шакар қimmatлашган.

Шу боис йиғилишда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, жумладан, паррандачилик ва чорвачиликни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилди.

Арзон, тўйимли ва тез етиштириладиган маҳсулотлар бу парранда гўшти ва тухумдир. Лекин, кўп вилоятларда парранда гўшти аҳоли талабига яраша етиштирилмаётти. Бу йўналишдаги 50 дан зиёд йирик корхона ярим қувватда ишламоқда. Уларни озуқа, жумладан, бугдой билан таъминлашда қийинчиликлар мавжуд.

Бу масалани ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 1 июндан бошлаб паррандачилик ҳўжаликларига бугдой сотиб олиш учун 400 миллиард сўм “револьвер” кредит ажратилади. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси орқали кредит гаровининг 50 фоизига кафилик берилади ва 17 фозидан ошган қисми компенсация қилинади. Шунингдек, паррандачилик ҳўжаликларига айланма маблағ учун бериладиган кредит муддатини узайтириш тақлифи билдирилди.

Парранда маҳсулотлари бозорини таҳлил қилиш ва лойиҳаларни тўғри жойлаштириш, ишлаб чиқаришдан сотишгача бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Хонаки товукларни кооперация асосида боқиш ҳам яхши самара беради. Мисол учун, Нуробод туманида тадбиркорлар инкубатор тарқатиб, аҳоли билан бирга, парранда гўшти ва тухум етиштиришни йўлга қўйган эди. Бугунги кунда бу маҳсулотлар тумандан ортиб, Самарқанд шаҳри ва қўшни туманларга ҳам етказиб берилмоқда.

Йиғилишда ушбу тажрибани кенгайтириб, паррандачилик ҳўжаликларини муайян маҳаллаларга бириктириш, аҳолига паррандачилик бўйича ўқувлар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бундай ҳўжаликларга ҳар бир маҳалла учун оилавий тадбиркорлик дастурлари асосида 200 миллион сўмдан имтиёзли кредитлар ажратилади. Улар бу маблағ ҳисобидан аҳолини ҳўжалар ва озуқа билан таъминлайди.

Чорвачилик — аҳоли тўқлиги ва нарх-наво барқарорлигида муҳим соҳа. Энг кўп турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари шу тармоқда етиштирилади.

Жорий йил 8 февралда “Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа база-

сини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, чорвачилик ҳўжаликларига гўштининг ҳар бир килограмми учун тўланадиган субсидия 2 минг сўмдан 4 минг сўмга, сутнинг ҳар бир литри учун 200 сўмдан 400 сўмга оширилди. Хориждан олиб келинадиган қишлоқ ҳўжалиги техникаси барча тўловлардан озод этилди. Соҳага 170 миллион доллар имтиёзли кредит линиялари очилди. 200 минг гектардан зиёд пахта ва галла майдонларига озуқабоп экинларни алмашлаб экиш белгиланди.

Йиғилишда шу борада амалга оширилаётган ишлар ҳудудлар кесимида қўриб чиқилди. Хусусан, соҳадаги имкониятлардан фойдаланиб, Андижон, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 18 минг бош молга мўлжалланган 35 та чорвачилик ҳўжалиги ташкил қилинди. Лекин, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Наманган, Жиззах ва Тошкент вилоятларида 70 та комплексни ишга тушириш кечикаётгани қайд этилди. Аҳоли хонадонларида кооперация усулида гўшт ва сут етиштириш ҳам тизимли йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, пахта ва галланинг ўрнига алмашлаб озуқа экиладиган 200 минг гектар майдон бўйича ҳам ишлар ҳалигача аниқ режалаштирилмаган.

Шу боис Бош вазир ўринбосарига алмашлаб экишни ҳар бир туман кесимида аниқ тасдиқлаб, ташкил этиш, фермерларни серхосил озуқа уруғлари билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, чорва ҳўжаликлари ва аҳоли хонадонларига ветеринария хизмати кўрсатиш қўламини кенгайтириш муҳимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Хусусан, гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари, мева, ўсимлик ёғи каби 22 турдаги озиқ-овқат жорий йил 1 майгача божхона божларидан озод қилинган эди. Энди бу муддат 2023 йил 1 январга қадар узайтирилди. Шунингдек, озиқ-овқатни импорт қилишда божларни оширилган ставкада қўллаш тўхтатиб турилади. Давлат харидларида озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш бўйича чекловлар вақтинча бекор қилинади.

Монополияга қарши курашиш қўмитасига бозорда рақобатни таъминлаш ва нархлар асоссиз ошишига йўл қўймаслик бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳокимлари, озиқ-овқат тармоқлари раҳбарлари ахборот берди.

Ў.А.

ТОҶИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон жорий йил 2-3 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Икки биродар мамлакат етакчиларининг музокаралари кун тартибидан Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор соҳаларида амалий саъй-ҳаракатларни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Савдо, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва логистика, энергетика ва бошқа тармоқларда қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш ҳамда аънавий яқин ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашишлари кўзда тутилган.

Саммит якунида икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланиши режалаштирилган.

Таъкидлаш лозимки, олий даражадаги ташрифга тайёргарлик доирасида жорий йил 30 май куни Душанбе шаҳрида икки мамлакат бош вазирлари расида ўтказилган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 9-йиғилиши самарали бўлди.

1 июнь куни Тошкент шаҳрида етакчи корхоналар иштирокида бизнес-форум ҳамда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги стратегик шерикликни изчил кенгайтириш ва унинг катта салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтади.

Ў.А.



Ўзбек ва тожик халқи бир дарахтнинг икки шохи, бир дарёнинг икки irmoғига қиёсдир. Бизнинг динимиз, еримиз ва сувимиз бир. Бир мақсад йўлида бирлашган ҳолда, қувончу шодлигимизда ҳам, қайғумизда ҳам доимо биргамиз. Аждодлар аънанасига содиқ қолган ҳолда, халқларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамламоғимиз даркор.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Владимир НОРОВ:

ТОҶИКИСТОН БИЛАН ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ — ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Шу йилнинг 2-3 июнь кунлари Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи кутилмоқда. Ушбу воқеа ўзбек ва тожик халқлари муносабатларида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, икки томонлама мулоқотларнинг мутлақо янги босқичини намоян этиши шубҳасиз. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар, унинг ривожини хусусида яқиндан билиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири в.б. Владимир НОРОВ билан суҳбатлашдик.

■ Эксклюзив интервью

— Владимир Имамович, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда. Биласиз, бундан санокли йиллар аввал Ўзаро алоқаларимиз ҳақида ижобий фикр билдириш осон эмасди. Айтингчи, мамлакатларимиз ўртасидаги “музлар” қисқа вақт ичида қандай эриди?

— Ўзбекистон билан Тожики-

стонни умумий тарих, узвий маънавий қадриятлар боғлаб туради. Икки халқ азалдан бир дарёдан сув ичган, қариндошлик ришталари билан боғланган. Азалий қўшничилик ва ўзаро ҳурмат аънаналари давлатларимиз ўртасидаги муносабатларда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилган.

Шундай вақтлар бўлдики, қонқардош, қуда-анда халқлар ора-



сига сунъий “девор”лар қўйилди. Ўзаро борди-келди ушалмас орзуга айланди. Ўзбекистон ҳамда Тожикистон муносабатлари эса турли геосиёсий ва айрим сабаблар босиб ўтган йиллар давомида таранглашиб кетган эди.

➡ 2

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



ОИЛА БАҒРИДА УЛҒАЙИШ БАХТИ

Бола қалби оппоқ қоғоз каби тоза ва беғубордир. Дунёга машҳур турк шоири “Болаларга беринг дунёни...” дея хитоб қилганида жаҳон ҳамжамиятини бола қалби билан севиш, ардоқлаш, бир умр ана шундай беғубор нигоҳ билан яшашга ундаган бўлса, не ажаб!

Меҳрибонлик уйининг болаларини кузатганда, улар ҳаммаша ўзи билан ўзи курашиб яшаётганини англаб олиш қийин эмас. Бу кичкинтойларнинг ҳаёти майин табассумли йиғига ўхшайди. Гарчанд ушбу муассасада болаларнинг фаровон яшашлари учун барча шароит муҳайё қилинган бўлса-да, уларнинг кўнглида таскин йўқ. Тарбиячи қанчалик болажон бўлмасин, ҳеч қачон меҳрибон ота-она ўрнини боса олмайди.

Шунинг учун Президентимиз топшириғига асосан мамлакатимизда фаолият юритаётган Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари тўлалигича Халқ таълими вазирлиги тизими-

дан чиқарилиб, Ўзбекистон Миллий гвардиясига ўтказилди.

— Очик айтиш керак, бугунги кунда халқ таълими тизимига қарашли Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларидаги тарбиячиларнинг 95 фоизи аёллар бўлиб, болалар уларни “она” деб қақришади. Лекин, “ота” тарбияси-чи? Бу ердаги фарзандларимизни оилага имкон қадар яқин муҳитда тарбиялашимиз учун, албатта, “ота” ва “она” меҳрини бера оладиган тизим яратишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан кейин ўтган бир йилдан зиёдроқ вақт мобайнида Меҳрибонлик уйларидаги 1,5 мингга яқин ўғил-қизлар оилаларга олинди, 116 та оилавий уй ташкил қилиниб, 700 га яқин фарзандлар ота-она бағрида вояга етиши учун шароит яратилди. Ана шунинг ҳисобига 10 та Меҳрибонлик уйи, 4 та Болалар шаҳарчаси ва 2 та Болалар уйи ёпилди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Курол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 15 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги 746–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда; № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда; № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда) **48-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Прокуратура органлари ходимлари хизмат қуролини ва шахсий ҳимоя воситаларини қонунчиликда белгиланган тартибда сақлаш, олиб юриш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга».

(Давоми 2, 3, 4-бетларда). ➡➡➡

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Кўп қавтирالي уйлари бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 22 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 9, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 2, 142-модда, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **159-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

(Давоми 4-бетда). ➡➡➡

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Қурул тўғрисидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

◀(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар; № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **246-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «қурол ёки ўқ-дориларни» деган сўзлар «қуролни, ўқ-дориларни ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **247-модданинг номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**247-модда. Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш**

Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан эгаллаш»;

3) **248-модданинг номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**248-модда. Ўқотар қуролнинг, ўқ-дориларнинг, ўқотар қурол асосий қисмларининг, портловчи моддаларнинг, портлатиш воситаларининг ёки портлатиш қурилмаларининг қонунга хилоф муомаласи**

Тегишли лицензияларсиз ёки рухсатномаларсиз ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ишлаб қиқиш, ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш»;

4) **249-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**249-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш, ташиш қодаларини бузиш**

Ўқотар қуролни ва унинг ўқ-дориларини, шунингдек пневматик қуролни, тигли совуқ қуролни (ов пичоқларини, ов ханжарчалари ва ханжарларни, рапиралар, шпагалар ва қиличларни), улоктириш қуролни (камонлар, арбалетлар ва найзаларни), сигнал берувчи қуролни сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш одамнинг ўлимига ёҳуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузаатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодлиқни кечлаш ёҳуд беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланадн».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жаовбарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда,

№ 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **26-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Ўқотар ов қуролини, пневматик ов қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Ўқотар ов қуролини, пневматик ов қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **90-модда: биринчи қисмининг санкцияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

учинчи қисмининг санкцияси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга ёҳуд шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади»;

тўртинчи қисмининг санкцияси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – қирқ бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёҳуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади»;

4) **185-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**185-модда. Қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш**

Пневматик, улоктириш, сигнал берувчи қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш, шунингдек тигли совуқ қуролдан (ов пичоқлари, ов ханжарчалари ва ханжарлардан, рапиралар, шпагалар ва қиличлардан) белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш –

қуролни ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўқотар қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш – қуролни ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **220-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**220-модда. Қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг муомалада бўлиши қодаларини бузиш**

Ички ишлар органларининг тегишли рухсатномасига эга бўлган жисмоний шахсларнинг фуқаровий, мукофот тарзида берилган, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш учун мўлжалланган қуролни ва унинг ўқ-дориларини реализация қилиш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш қоидаларини бузиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ҳақини тўлаб шу қуролни ва ўқ-дориларни олиб қўйишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақорр содир этилган бўлса, –

қуролни ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хизмат қуролни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини хизмат қуролидан ва унинг ўқ-дориларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органларининг мансабдор шахслари ҳамда махсус хизмат вазифаларига эга бўлган юридик шахсларнинг ходимлари томонидан бузиш, худди шунингдек қуролни ва унинг ўқ-дориларини, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини олиш, бериш, ҳисбога олиш, реализация қилиш, ташиш, сақлаш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш қоидаларини ички ишлар органларининг тегишли рухсатномаларига эга бўлган юридик шахсларнинг қурол ва унинг ўқ-дорилари, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари бут сақланишини, уларнинг белгиланган тартибда берилиши-қабул қилиб олинишини ҳамда ҳисбога олинишини таъминлашга доир мажбуриятлар ўз зиммасига юклатилган масълүл ходимлари томонидан бузиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақорр содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қуролни ва унинг ўқ-дориларини, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини қабул қилиш, ҳисбога олиш ҳамда сотиш қоидаларини фуқаровий ва хизмат қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилишга доир лицензияга эга бўлган юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан бузиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ички ишлар органларининг тегишли рухсатномалари расмийлаштирилган фуқаровий ва хизмат қуролига товушсиз ўқ узиш мосламаларини ҳамда тунда қўриш мўлжаллагичларини (бундан ов қилиш учун мўлжаллагичлар мустансо) ўрнатиш – товушсиз ўқ узиш мосламаларини ва тунда қўриш мўлжаллагичларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

б) куйидаги мазмундаги **220'-модда** билан тўлдирилсин:

«**220'-модда. Қуролнинг қонунга хилоф муомаласи**

Пневматик, сигнал берувчи, улоктириш қуролни, ўзини ўзи химоя қилиш қуролни ички ишлар органларининг тегишли рухсатномаларисиз реализация қилиш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, улардан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтиш –

қуролни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Пневматик, сигнал берувчи, тигли совуқ, улоктириш қуролни, ўзини ўзи химоя қилиш қуролни ички ишлар органларининг тегишли лицензияларисиз ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш –

қуролни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор

шахсларга эса – юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

7) **221-модданинг номи ва диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**221-модда. Қуролни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) қодаларини ёки унинг муомаласи соҳасидаги рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларини бузиш**

Фуқаровий, хизмат қуролни, мукофот тарзида берилган, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш учун мўлжалланган қуролни ва унинг ўқ-дориларини ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) қоидаларини, шунингдек ички ишлар органларининг қуролни сақлашга ва олиб юришга, сақлашга, коллекциялашга ёки кўргазмага қўйишга доир рухсатномаларининг амал қилиш муддатларини узайтириш қоидаларини бузиш»;

8) **222-модда** чиқариб ташлансин;

9) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «219'-моддаларида, 220-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 222-моддасида» деган сўзлар «219', 220, 220'-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **248-модда: биринчи қисмидаги** «205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «205» рақами билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг 1-бандидаги «205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «205» рақами билан алмаштирилсин;

11) **290-модданинг еттинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 185, 220, 220' ва 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлиқлар содир этилган тақдирда, ички ишлар органлари ходимлари иш қўриб чиқилгунига қадар қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда олиб қўйилаётган қуролнинг маркази ёки модели, калибри, туркуми ва рақами, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда баёнмомага ёзиб қўйиладн»;

12) **311-модданинг тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хизмат қуролидан ва унинг ўқ-дориларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига ҳамда махсус хизмат вазифаларига эга бўлган юридик шахсларнинг ходимларига нисбатан ушбу Кодекснинг 185-моддасида, 220-моддаси учинчи, тўртинчи ва олтинчи қисмларида, 221-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлиқлар тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорнинг қўчирма нусхаси тегишли давлат органига ёки юридик шахсга маълумот учун, ички ишлар органига эса ушбу шахснинг қуролдан фойдаланишини тақиқлаш тўғрисидаги масалани қўриб қиқиш учун юбориладн»;

13) **336-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўқотар қуролларни ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Қуролни ва унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги»** 419–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 490-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **25-моддасининг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йўловчиларнинг тез ёнувчан, портловчи, захарли, радиоактив моддалар ва ашёларни, шунингдек қуролни ҳамда совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни очик (нилофсиз) ҳолда олиб юриши тақиқланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги»** 545–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–408-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 273-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 7, 447-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **32-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «овчилк қуроли» деган сўзлар «ов қуроли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **33-модда: иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланishi 1, 2-бетларда).

«юридик шахснинг қурол ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини, берилиши-қабул қилиб олинишини ҳамда ҳисобга олинишини таъминлаш мажбурияти ўз зиммасига юклатилган ёхуд хизмат қуролини олиб юриш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг доимий яшаш жойи мавжуд эмаслиги, ходимда ушбу Қонун 13-моддаси ўқини қисмининг иккинчи, учинчи, бешинчи – саккизинчи, ўнинчи – ўн учинчи хатбошиларида назарда тутилган қуролга эғалик қилиш учун монелик қиладиган асослар юзага келганлиги, шунингдек ушбу Қонуннинг 1-иловасида кўрсатилган хизмат қуролига эғалик қилишга монелик қиладиган касалликларнинг ёки жисмоний нўқсонларнинг мавжудлиги»;

бешинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Махус хизмат вазифаларига эга бўлган юридик шахснинг ходимига қурол ва унинг ўқ-дорилари мазкур ходим тасдиқланган дастурларга мувофиқ ҳар йилги хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-психологик ҳамда жисмоний тайёргарлик қурсларидан ўтганидан сўнг ва ушбу Қонун 13-моддасининг ўнинчи қисмида белгиланган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, юридик шахс раҳбарининг қарорига ҳамда ички ишлар органларнинг қуролни олиб юришга доир рўхсатномасига биноан берилади»;

7) **13-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг йигирма беш ёшга тўлган фуқаролари фуқаровий ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари фуқаровий спорт қуролини ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини олиш ҳуқуқига эга.

Ов қуроли ва унинг ўқ-дорилари Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ҳуқуқи берилган фуқаролари томонидан олиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси фўқароси олган, унинг эғалигида турган сойли стволли ўқотар ов қуролининг умумий сони учтадан, пневматик ов қуролининг умумий сони учтадан, силлик стволли ўқотар қуролнинг умумий сони бештадан ошмаслигига керак, бундан мазкур қурол турлари коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш объектлари бўлган ҳоллар мустасно.

Биттадан ортиқ ҳар бир сойли стволли ўқотар ов қуролига, пневматик ов қуролига ва силлик стволли ўқотар ов қуролига эғалик қилганлик учун ҳар йили базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридо ййим ундирилади, бундан мазкур қурол турлари коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш объектлари бўлган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ҳуқуқи берилган фуқаролари овчиликка боғлиқ касбий фаолият билан шуғулланаётган ёки камида ўн йил давомида мулкидо автоматик бўлмаган (бир зарядловчи) силлик стволли ўқотар ов қуролига эга бўлган бўлса ҳамда уларда ов қилиш қоидаларини ёки қурол муомаласини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мавжуд бўлмаса, сойли стволли ўқотар ов қуролини, шу жумладан аралаш ўқотар қуролни ёхуд ярим автомат силлик стволли ўқотар ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини, ўқдон (барабан) сйгими тўрт дона патрондан ортиқ бўлган силлик стволли ўқотар ов қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтимш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролни олиш ҳуқуқига эғадир.

Фуқаровий қуролни олишга доир рўхсатномани олиш учун Ўзбекистон Республикаси фўқароси доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органига қуйдагиларни тақдим этиши шарт:

аризани; қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқиш бўйича махсус қисқа мuddатли қурсларда ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; аризани кўриб чиққанлик учун ййғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;

овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномасини (ов қуролини олиш учун);

овчилар жамоат бирлашмасининг тавсияномасини (сойли стволли ўқотар ов қуролини, ярим автомат силлик стволли ўқотар ов қуролини ёки ўқдон (барабан) сйгими тўрт дона патрондан ортиқ бўлган силлик стволли ўқотар ов қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтимш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш учун); отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан берилган спортчи гувоҳномасини (спорт қуролини олиш учун).

Фуқаровий қуролни олишга доир рўхсатнома бериш тўғрисидаги ариза ички ишлар органлари томонидан ариза барча зарур ҳужжатлар билан олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси фўқароси доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, янги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун мuddат ичида тегишли ички ишлар органига ўзига тегишли фуқаровий қуролни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқароларига фуқаровий қуролни олишга доир рўхсатнома берилмайдй:

ушбу мoddанинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган ёшга тўлмаганларга;

муомалалга лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганларга;

ушбу мoddанинг еттинчи қисмида санаб ўтилган ҳужжатларни тақдим этмаганларга ёки тақдим этилган ҳужжатларида нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97, 103, 103¹, 104, 105, 110, 112, 118, 119, 130¹, 135, 137, 138, 142-мoddаларида, 145-мoddасининг учинчи қисмида, 150, 151, 152, 153, 154, 154¹, 155, 155¹, 155², 156¹, 156, 157, 158, 159, 160, 161, 164, 165, 166-мoddаларида, 169-мoddаси иккинчи қисмининг «в» ва «г» бандларида, учинчи қисмининг «а» ва «г» бандларида, тўртинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида, 171-мoddаси учинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида, 173-мoddаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандларида ва учинчи қисмида, 202-мoddаси учинчи қисмининг «а», «г», «д» ва «ж» бандларида, 204-мoddасининг иккинчи қисмида, 216, 216¹, 216², 217, 218, 219, 220, 221, 222-мoddаларида, 223-мoddаси иккинчи қисмининг «а», «б» ва «в» бандларида, 226, 229¹, 235, 242, 244, 244¹, 244², 244³, 245, 246, 247, 248, 249, 251, 251¹, 252, 254, 255¹, 264-мoddаларида, 267-мoddасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 270-мoddасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 271, 273, 274, 276-мoddаларида, 277-мoddасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 278-мoddасининг иккинчи қисмида, 279-мoddасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 280-мoddасининг иккинчи қисмида, 281-мoddасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 282-мoddасида, 283-мoddасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 285, 286-мoddаларида назарда тутилган қасддан жиноят содир этганлик учун судланганларга судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ёхуд амнистия акти қўлланилганлигидан кейин ўн йил давомида;

қасддан жиноятлар содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаганларга ёки судланганлиги олиб ташланмаганларга, бундан ушбу қисмнинг бешинчи хатбошисида кўрсатилганлар мустасно;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фуқароларга нисбатан экстремистик фаолиятнинг, шунингдек шахсларнинг ҳаёти ва соғлигига ҳақийқ таҳдид солувчи фаолиятнинг белгилари мавжуд бўлган гайриқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда;

жиноий жазони ўтаётганларга;

доимий яшаш жойига ёки қурол ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини таъминлайдиган сақлаш шароитларига эга бўлмаганларга;

ўзига нисбатан жиноят иши кўзғатилганларга;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодексининг 185, 220, 220¹ ва 221-мoddаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилганларга;

жамоат тартибига, бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этганлик ёки ов қоидаларини бузганлик, шунингдек баданга енгил шикаст етказганлик ва гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп мoddаларни оз миқдорда гайриқонуний равишда тайёрлаганлик, олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки жўнатганлик учун бир йил давомида такроран маъмурий жавобгарликка тортилганларга;

хотин-қизларга нисбатан таъйик ўтказган ва (ёки) эўравонлик содир этганларга – ҳимоя ордерида қурол олиш учун рўхсатнома олишга доир ҳуқуқни тақиқлаш назарда тутилган ҳолларда (ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган мuddат даврида); ушбу Қонуннинг 2-иловасида кўрсатилган фуқаровий қуролга эғалик қилишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нўқсонлар мавжуд бўлганда;

руҳий ҳолатининг бузилишлари ва (ёки) наркологиқ касалликлар сабабли диспансер ҳисобида турган яқин қариндошлари ва бошқа шахслар ушбу фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича биргаликда яшаётганда.

Қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича махсус қисқа мuddатли қурсларда ўқитиш тартиби ва махсус қурсларда ўқитилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фуқаровий қуролни олишга доир рўхсатнома Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг доимий яшаш жойи бўйича биргаликда яшовчи яқин қариндошлари ва бошқа шахсларда ушбу мoddа ўнинчи қисмининг учинчи, бешинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам берилмайдй.

Фуқаровий қуролни олишга доир рўхсатнома бериш рад этилган тақдирда, ички ишлар органлари бо ҳақда аризачини рад этиш сабабларини, қонунчиликнинг аник нормаларини ва аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган мuddатни кўрсатган ҳолда, қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирми ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини (бундан ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли мустасно) биринчи марта олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари овчилар жамоат бирлашмасида (ов қуроли учун) ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларда (спорт қуроли учун) қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиши юзасидан текширувдан ўттиш шарт, ушбу бирлашма ва юридик шахслар қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиш юзасидан тегишли текширувдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни беради»;

8) қуйидаги мазмундаги **13¹** ва **13²-мoddалар** билан тўлдирилсин:

«13¹-мoddа. Қуролга эғалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширув

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва махсус хизмат вазифаларига эга бўлган юридик шахсларнинг ходимлари ички ишлар органларининг йўлланмалари бўйича қуйидаги тартибда давлат соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт муассасаларида (бундан буён матнда тиббиёт муассасалари деб юритилади) қуролга эғалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан даврий тиббий текширувлардан ўтиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг биринчи марта қурол ва унинг ўқ-дориларини олаётган фуқаролари, шунингдек қуролни сақлашга ва олиб юришга, коллекциялашга ёки кўргазмага қўйишга доир рўхсатномаларнинг амал қилиш мuddатларини узайтиришда – доимий яшаш жойи бўйича тиббиёт муассасаларида;

юридик шахснинг қурол ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини, берилиши-қабул қилиб олинишини, ҳисобга олинишини таъминлаш мажбуриятлари ўз зиммасига юклатилган ёхуд хизмат қуролни олиб юриш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқидан фойдаланадиган ходимлари қуролни сақлашга ва (ёки) олиб юришга доир рўхсатномаларни олишда ҳамда уларнинг амал қилиш мuddатини узайтиришда – доимий яшаш жойи бўйича тиббиёт муассасаларида ёхуд махсус хизмат вазифаларига эга бўлган юридик шахс ва тиббиёт муассасаси ўртасидаги шартномага мувофиқ белгиланган тиббиёт муассасаларида.

Ички ишлар органларининг тиббий текширувдан ўтишга доир йўлланмасининг амал қилиши мuddати у берилган кундан эътиборан ўн кунни ташкил этади.

Тиббий текширув ушбу Қонуннинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган касалликлар ёки жисмоний нўқсонлар мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсатида пулли асосда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг қуролни ва унинг ўқ-дориларини биринчи марта олаётган ёки қуролни сақлаш ва олиб юришга, коллекциялашга ёхуд кўргазмага қўйишга доир рўхсатномаларнинг амал қилиш мuddатларини узайтираётган фуқаросининг доимий яшаш жойи бўйича биргаликда яшовчи яқин қариндошлари ҳамда бошқа шахслар доимий яшаш жойи бўйича руҳий касалликлар ва наркология диспансерларида ҳисобда туриши тиббий текширилади.

Давлат соғлиқни сақлаш органларининг тиббий текширувдан ўтказишни амалга оширишга рўхсат берилган тиббиёт муассасалари рўйхати, тиббий текширувни ўтказганлик учун тарифларнинг миқдорлари ва тиббий текширув натижаларига доир ҳулосанинг шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

13²-мoddа. Қуролга эғалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтиш тартиби

Тиббий текширув тиббиёт муассасаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг текширувдан ўтаётган фуқаросининг ёки юридик шахс ходимининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (идентификациялош ID-картиси, паспорти ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат) кўрсатилган ҳолда, ички ишлар органларининг йўлланмаси асосида ўтказилади.

Тиббий текширув тиббиёт муассасаси томонидан ички ишлар органларининг йўлланмаси тақдим этилган кундан эътиборан ўн куник мuddат ичида ўтказилади.

Тиббий текширувни ўтказиш учун тиббиёт муассасаси томонидан махсус тиббий комиссия тузилади. Тиббий комиссия таркиби тиббиёт муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Тиббий комиссия тиббий текширувдан ўтказиш билан боғлиқ маълумотларни қайд этиш учун тиббий текширувдан ўтаётган шахсларнинг амбулатория карталарини юритади.

Амбулатория картасида тиббий текширувни ўтказишда иштирок этаётган барча шифокорлар ва мутахассисларнинг тиббий текширувдан ўтаётган шахс тўғрисидаги тиббий ҳулосалари кўрсатилиши керак.

Тиббий текширувдан ўтаётган шахсни текшириш унинг доимий яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари ва наркология диспансерларида тиббий комиссия томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт муассасаси тиббий комиссиянинг тиббий текширув натижалари бўйича қуролга эғалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисидаги ҳулосасини электрон шаклда расмийлаштиради ҳамда тиббий текширув ўтказилган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида ҳулоса йўлланма берган ички ишлар органига ахборотнинг махфийлиги таъминланган ҳолда, почта ёлоқаси воситалари ёки ахборот тизими орқали юборилади.

Ҳулоса тиббий комиссия раҳбарининг имзоси ва тиббиёт

муассасасининг муҳри билан тасдиқланади.

Тиббий комиссиянинг ҳулосаси берилган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида амал қилади»;

9) **15-мoddанинг биринчи қисмидаги** «Миллий гвардиясининг» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **17-мoddа биринчи қисминда:** **олтинчи хатбошисидаги** «ҳамда оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик қуролнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

11) **18-мoddанинг:**

номидаги «ва ҳады этиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички

ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини мерос қилиб олиш меросхўрда мазкур турдаги қуролни олишга доир рўхсатнома мавжуд бўлган тақдирда, қурол ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказилганидан сўнг амалга оширилади. Фуқаровий қуролни олишга доир рўхсатномани олиш рад этилган тақдирда, фуқаровий қурол фуқаровий ва хизмат қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар орқали реализация қилиниши ёки ички ишлар органларига текин асосда топширилиши керак»;

12) **19-мoddанинг:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «ҳады этишга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **20-мoddадаги** «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **21-мoddанинг:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **22-мoddанинг:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмининг: **учинчи хатбошисидаги** «Миллий гвардиясининг» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **23-мoddа биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **24-мoddанинг:**

биринчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия органларининг» деган сўзлар «ички ишлар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «Ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **27-мoddа:** **биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ҳады қилиш ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» деган сўзлар «ички ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «ички ишлар органларининг йўлланмаси бўйича қуролга эғалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтиши»;

АНДИЖОН ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Белгилансинки, Институт юридик шахс мақомига эга бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади.

2. Куйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий тиллар соҳаси бўйича **олий маълумотли, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш**;

ўқув жараёнида халқаро баҳолаш дастурлари (TALIS, PIRLS, PISA) ва стандартларидан фойдаланиш, ўқитиш ва баҳолашнинг замонавий шакллари, методлари ва технологияларини жорий этиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлган педагоглارни тайёрлаш;

етақчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликда **қўшма таълим дастурлари жорий этиш** ва **илмий лойиҳаларни амалга ошириш**;

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингда олий таълим муассасалари орасида **юқори 1 000 талик ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасасининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш**, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан мустакил равишда **қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш**;

таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, жумладан, ўқув жараёнига рақамли технологияларни татбиқ қилиш, шунингдек, **ўқув жараёнини талабаларда мустакил таълим олиш ва амалий, жумладан, синхрон, бадий, кетма-кет ва илмий-техник таржима кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш**;

Институтнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли республика ва хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида ташкил этиш.

3. Куйидагилар:

Андижон давлат чет тиллари институти фаолиятини ташкил этиш бўйича **чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ;

Андижон давлат чет тиллари институтини **2026 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ;

Андижон давлат чет тиллари институтида ташкил этиладиган **бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Институтда ўқув жараёни 2022/2023 ўқув йилидан бошланади ҳамда талабаларга иккита хорижий тил бўйича квалификация берилади;

б) Андижон давлат университети ва унинг Педагогика инсти-

тутига хорижий тиллар йўналишларида бакалаврият ва магистратура босқичларида кадрлар тайёрлаш бўйича ажратиладиган давлат буюртмаси квотаси 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Институтга йўналтирилади;

в) Институтга талабаларни қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси ва қўшимча қабул параметрлари доирасида аниқланади;

г) Институтнинг **бакалаврият таълим йўналишлари**га 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб кириш имтиҳонларида фанлар мажмуасидаги **чет тили фанидан 4 та кўникмани** (тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) баҳолашга қаратилган касбий (ижодий) имтиҳон ўтказилади. Бунда:

чет тилини билиш даражаси В2 ва ундан юқори миллий сертификатга ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан ўқишга кириш синонвларида имтиҳонсиз максимал балл берилади;

чет тили фанидан касбий (ижодий) кириш имтиҳонлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади;

д) Институтнинг **магистратура мутахассисликларига киришда** хорижий тилни билиш даражаси бўйича С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификат ва бакалаврият диплом баллининг ўртача кўрсаткичи инобатга олинди ҳамда қўшимча имтиҳонлар ўтказилимайди;

е) Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мутахассислик фанларидан хорижий тилда дарс берадиган С1 даражасидан кам бўлмаган миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга ўқитувчиларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан **ҳар ойлик 50 фоиз миқдорид**а **қўшимча устама ҳақи тўлаб борилиши мумкин**.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) **2022 йил 1 июлга қадар** Институтни танлов асосида амалий тахриба ва (ёки) илмий даражага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдирish чораларини кўрсин;

б) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Институтнинг **хорижий тиллар ўқитувчилари С1 даражасидан кам бўлмаган** миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлишини ҳамда дарс машғулотларини тегишли тилларда олиб борилишини таъминласин;

в) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

Институтнинг **мутахассислик фанлар (хорижий тилдан ташқари) ўқитувчиларининг В2 даражадан кам бўлмаган** миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлишини;

Институтнинг ўқув жараёнига тил эгаси бўлган малакали хорижий мутахассисларни жалб қилинишини ташкиллаштирсин. Бунда, хорижий мутахассисларнинг ойлик иш ҳақи бозор конъюнктураси асосида аниқланади ҳамда Институтнинг бюджетдан ташқ-

ари маблағлари ва Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади;

г) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 сентябр-га қадар** Институтни зарур телекоммуникация воситалари билан жиҳозлаш ҳамда юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш чораларини кўрсин.

6. Андижон вилояти ҳрқимлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Институт талабаларини амалиёт ўташ учун худуддаги корхоналар, туризм ва маданий мерос объекти, таълим ва бошқа ташкилотларга бириктириш ҳамда юқори курс талабаларини иш ҳақи тўланадиган тизим орқали банд қилиш чораларини кўрсин.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги филология фанлари тармоғининг тегишли ихтисосликлари бўйича юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эътиҳидан келиб чиқиб, 2023 йилдан бошлаб Институтга докторантура бўйича квота ажратилишини таъминласин.

8. Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги қуйидаги йўналишларда Институтга аяқидан кўмаклашсин:

хорижлик экспертларни жалб этган ҳолда профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар учун малака ошириш, жумладан, синхрон таржима қилиш кўникмаларини шакллантириш бўйича курсларни ташкил қилишда;

профессор-ўқитувчиларнинг замонавий ўқитиш кўникмаларини ривожлантиришда ва чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича сертификат олишида;

Институтнинг бўш аудиторияларида хорижий тилларни ўқитиш курсларини ташкил этиб, талабаларга қўшимча даромад топишлари учун зарур шароит яратишда;

аҳоли ва таълим муассасалари учун чет тилларини ўрганишда кўмак бeрyвчи контентларни шартнома асосида яратишда.

9. Белгилансинки:

Институт фаолияти Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, ҳўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳрмийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Институтнинг бошланғич фаолиятини самарали ташкил этиш, хусусан унинг бино ва иншоотларини таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2023 йилдан бошлаб – Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ЎТГАН ЙИЛ ВА ЖОРИЙ ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАҚДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чикдилар.

Қўн тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазири Тимур Ишметов ахборот тақдим этди.

Таъкидланганидек, Давлат бюджетининг 2021 йилдаги ижроси “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет-те тўғрисида” ги Қонунда белгиланган бюджет параметрлари, Давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республик-аси Президентининг Фармон ва қарор-лари, Ҳукумат қарорлари билан белгилан-ган чора-тадбирларнинг бажарилишига қаратилган.

Шунингдек, 2021 йилда дунё иқтисодиё-тида юзгага келган инкироздан қишш жа-раёни давом этаётган бир пайтда Ўзбеки-стон иқтисодиёти ўз вақтида мувофиқлаш-тирилган фискал ва монетар сиёсат нати-жасида ижобий ўсиш сурьатларига эриш-гани, 2021 йил якунлари бўйича республи-ка иқтисодиёти ўтган йилга нисбатан 7,4 фоизга ўсгани алоҳида қайд этилди. Ҳисо-бот даврида иқтисодий ўсиш саноатда 9,2 фоиз, хизматлар соҳасида 8,7 фоиз, қури-лишда 6,8 фоиз ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балққ ҳўжаллигида 4,0 фоизга таъминланди.

Йиғилишда депутатлар томонидан ай-рим соҳаларда экспорт ҳажми ошганлиги эътироф этилди. Хусусан, тўқимачилик мах-сулотлари экспорти 2020 йилга нисбатан 52,3 фоизга ўсган бўлса, машина ва ас-боб-уқуналар экспорти 59 фоизга, ранг-ли металл 58,7 фоизга, кимё махсулот-лари 40,3 фоизга ошган.

Бундан ташқари, Давлат бюджетте да-ромадлари (давлат мақсадли жамғарма-ларисиз) 164,8 трлн. сўмини ташкил этиб, белгиланган 147,7 трлн. сўм прогнозга нисбатан 111,6 фоизга ошириб бажарили-ди. Даромадлар ўтган йилнинг мос даври-га нисбатан 31,9 трлн. сўмга ўсди.

2021 йил якунлари ижросида Давлат бюджетининг харажатлари (давлат мақса-дли жамғармаларисиз) 188,3 трлн. сўмини ёки ялпи ички махсулотга нисбатан 25,6 фоизни ташкил этди. Ижтимоий хаража-тларни молиялаштириш учун Давлат бю-джетидан 92,0 трлн. сўм ёки умумий хара-жатларнинг 48,9 фоизи миқдорид

та маблағ сарфланди. Ушбу харажатларнинг 87,7 фо-изи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасининг консоли-дациялашган бюджетте баланси 2021 йил-да 40,8 трлн. сўм тақчиллик билан якун-ланди, бу ЯИМга нисбатан 5,6 фоизни ташкил этди ва прогноз даражасида бўлди.

Муҳокама жараёнида депутатлар ижо-бий натижаларни эътироф этиш ҳолда дав-лат бюджетте ижросига оид айрим камчи-ликларга ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Хусусан, вазирлик ва идораларнинг Ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан 2021 йил давомида 11 248 та назорат тадбирида жами 194,1 млрд. сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланган.

Шу билан бирга, Молия вазирлигининг Давлат молиявий назоратте департаменти томонидан 2021 йилда бюджет интизомига риоя этилиши ва бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказил-ган 7 133 та молиявий назорат тадбири-нинг 5 380 тасида 1 072,1 млрд. сўм мо-лиявий хато-камчиликларга йўл қўйилган-лиги аниқланган. Назорат тадбирларида аниқланган молиявий хато-камчиликларда камомад ва ўзлаштиришлар 122,8 млрд. сўмини, ноқонуний харажат ва ортиқча тўлов-лар, бошқа мақсадсиз харажатлар 949,3 млрд. сўмини ташкил этиб, қилинган асос-сиз харажатлар учун 931,2 млрд. сўм бю-джетта тикланиши таъминланган.

Бундан ташқари, бюджет қонунчилигини бузганлиги учун бюджетдан маблағ олу-вчи ташкилотларнинг 35 нафар раҳбар ва

татлари тегишли Халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашлари билан яқин ҳамкорлик қилишга доир аниқ вазифаларни белги-лаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Мажлисида Олий Мажлис Қонунчили-к палатасининг Давлат бюджетининг ва дав-лат мақсадли жамғармалари бюджетлари-нинг 2021 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисо-бот юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

Депутатлар шу қўннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва дав-лат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғри-сидаги ҳисоботни ҳам кўриб чикдилар.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида Ўзбекистон иқтисодиётида юқори ўсиш сурьатлари кузатилди. Яъни, 2022 йил би-ринчи чораги якунига кўра, мамлакат ялпи ички махсулотининг (ЯИМ) ҳажми 162,8 трлн. сўмини ташкил этиб, ўтган йил-нинг мос даврига нисбатан 5,8 фоизга ўсган. Бунда саноат хизматлари ва қури-лиш соҳаси иқтисодий ўсишининг драйвер-лари бўлиб хизмат килди. Хусусан, иқти-содий ўсиш саноатда 5,7 фоиз, хизматлар соҳасида 6,9 фоиз, қурилишда 6,3 фоиз ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балққ ҳўжаллигида 4,2 фоизни ташкил қилди.

2022 йил биринчи чорагида Давлат бю-джетте даромадлари (давлат мақсадли жам-ғармаларисиз) 41,9 трлн. сўмини ташкил этиб, белгиланган режага нисбатан 107,2 фоизга ёки 2,8 трлн. сўмга ошириб бажа-рилган. Даромадлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8 трлн. сўмга кўп.

Давлат бюджетининг харажатлари (дав-лат мақсадли жамғармаларисиз) 42,9 трлн. сўмини ташкил этиб, аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 91,1 фоиз ёки ЯИМ га нисбатан 26,4 фоизни ташкил эт-ган. Ҳисобот давридаги бюджет тақчили-ги 1,5 трлн. сўмини ёки ЯИМга нисбатан 0,9 фоизни ташкил этди ва прогноз дара-жасида бўлди.

Ҳисоботнинг ўзига ҳослиги 2022 йил-дан бошлаб маҳаллий бюджетлар ижро-сини Ҳисоб палатаси томонидан ташқи аудитдан ўтказиш тартиби қўн билан му-стаҳкамланди. Натижада маҳаллий депу-татлар томонидан жамоатчилик назоратте қўнайди, маҳаллий бюджет маблағларидан оқилна фойдаланишини назорат қилиш им-кониятлари кенгайди.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳўкимлигининг қуйидаги бино ва иншоотларни тегишли ҳудуди билан биргаликда Институтга оператив бошқарув ҳўқуқи асосида бепул бериш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин;

Андижон шаҳар, Бобуршўх кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган Андижон давлат университетининг ўқув биноларини;

Андижон шаҳар, Бобуршўх кўчаси, 20-уй манзилида жойлаш-ган Андижон давлат университетининг талабалар турар жойини;

Андижон давлат университетининг Андижон вилояти, Хонобод шаҳри, “Кампировот” МФЙ ҳудудид

да жойлашган дам олиш мас-канини.

11. Иқтисодий тараққийёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бирга-ликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳўжжатларига асосан Инсти-тутнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, янги ўқув биноси ва талабалар турар жойини қуриш ҳамда уларни жиҳоз-лаш лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига белги-ланган тартибда киритилишини таъминласин.

12. Андижон вилояти ҳўкимлиги Институт фаолиятини самара-ли ташкил этиш учун бошқа ҳудудлардан жалб этилган профес-сор-ўқитувчиларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Институт-га яқин ҳудудда жойлашган кўп қаватли уй-жойлардан хизмат уйларини Институтга текин фойдаланиш ҳўқуқи асосида ажратсин.

Институтга ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби-дан бошқа ҳудудлардан жалб этилган профессор-ўқитувчилар учун қулай шарт-шароит яратиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусан ижара тўловини компенсация қилишга руҳсат этилсин.

13. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор ва-зирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун-чилик ҳўжжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошқулов ҳамда Андижон вилояти ҳўқими Ш.К.Абду-рахмонов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Аб-дувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 31 май

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ АСАРИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон тараққийёт стратегияси” асари “Қорақалпоғистон” нашриётида қорақалпоқ тилида чоп этилди.

Ушбу асарда бугунги кунда юртимиз-да Янги Ўзбекистоннинг ва Учинчи Ре-ссанс пойдеворини барпо этиш ме-росида амалга оширилаётган тўб ўга-ришлар ва ислохотларнинг мақсади, маз-муни-моҳияти, устувор йўналишлари, юр-тимизнинг замонавий демократик қўри-ниши қандай яратилаётгани, мамлакта-тимизни янги тараққийёт босқичига қута-риш учун белгилаб олинган стратегик йўл, миллий тараққийётимизнинг келажаги ҳақида сўз юритилади.

2021 йил 24 октябрь кўни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимиз фаол иштирок этиб,

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
ЎЗА МАХСУЛОТИ

МАҚСАД – БОЛАЖОНЛАР ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДАН ИБОРАТ

Самарқанд шаҳрида 6 ёшли болалар ўртасида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳўмоя қилиш кўнига бағишланган иккинчи веломарафон ўтказилди.

Веломарафон

Тадбир Мактабгача таълим ҳамда Спортни ривожлантириш вазирликлари, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси ва Белоспорт фе-дерацияси томонидан ташкил этилди.

Веломарафонда 120 нафардан эийд 6 ёшгача бўлган болалар қатнашди.

Унинг очилиш маросимида сўзга чи-қан Олий Мажлис Сенати Раиси, Вело-спорт федерацияси раиси Т. Норбоева болаларни ақинлаштир келайётган Халқ-аро болаларни ҳўмоя қилиш кўни би-лан табриклади.

Шунингдек, юртимизда велоспортни ривожлантиришга катта эътибор қар-тилаётганлиги, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт-чиларни қўллаб-қувватлашга доир қарорлари қабул қилинаётгани ва на-тижада сўнгги тўрт йилда велоспортчи-ларимиз нуфузли халқаро мусобақалар-да 98 та олтин, кумуш ва бронза ме-далларни қўлга киритганлиги алоҳида таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лианне Куппенс билан учрашди.

Мулоқот

Учрашувда ЖССТ ва Ўзбекистон ўрта-сидаги ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Л. Куппенс Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, касалликларни қамайтириш, пан-демия даврида аҳолини муваффақиятли эмлаш, Оролбўйи минтақасида эколо-гик ҳолатни яхшилашга қаратилган ўзга-риш ва ислохотлар қўламини алоҳида эътироф этди.

Ўз навбатида, С. Сафоев Оролбўйи минтақасида давлат раҳбарининг ташаб-буси ва топшириқларига мувофиқ амал-га оширилаётган ишлар, ўзгаришлар ва айни вақтдаги ҳолатга батафсил тўхта-либ ўтди. Жумладан, БМТ Бош Ассамб-леясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сес-сиясида “Оролбўйи минтақасини эколо-

ўзларининг юксак сиёсий-ҳўқуқий оғи ва маданиятини кўрсатиди. Сайлов натижа-лари юртимизнинг мустакил, суверен ри-вожланиш ва демократик ислохотлар йўли-дан олға бораётганини, Янги Ўзбекис-тоннинг тараққийёт стратегияси юртнош-ларимиз томонидан кенг қўллаб-қувват-ланаётганини яна бир марта тасдиқлади.

Китоб Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист К.Реймов ва журналист Г.Пирназарова томонидан қорақалпоқ тилига таржима қилинди.

Қайд этилганидек, мазкур марафон мамлакатимизда экология соғлиқини таъминлаш ва яшил транспорт туридан фойдаланиш бўйича кўникмани ривож-лантириш, болаларни табиат муҳофа-засига ундаш, ҳисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этиш, велоспорт-ни мактабгача ёшдаги болалар ора-сида кенг оммалаштириш, соғлом тур-муш тарзини тарғиб қилиш, навқирон авлодда йўл ҳаракати маданияти ҳамда ҳаёфсизлиги қондаларига амал қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсади-да ташкил қилинди.

Ташаббус доирасида республикамиз-нинг 20 та давлат мактабгача таълим ташкилотте танабб олиниб, уларга 500 та беговөл тақдим этилди.

Веломарафонда қатнашган болалар медаллар ҳамда эсдалик совғалари би-лан тақдирланди.

Тадбир якунида болажонлар учун кўнгилолчар дастурлар

Владимир НОРОВ: ТОЖИКИСТОН БИЛАН ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ — ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ”

1993 йил 4 январда имзоланган Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2000 йил 15 июндаги Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномада муносабатларимизнинг асосий тамойиллари, жумладан, мустақиллик ва давлат суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, давлат даражасида ҳам, ҳўхалик юритувчи субъектлар даражасида ҳам ўзаро манфаатли иқтисодий шериклик алоқаларини ўрнатишга интилиш каби мақсадлар кўзда тутилган эди. Аммо ҳақиқат шу эдики, бу ҳужжатлар, асосан, қорғозда қолиб, амалий томондан ҳамоҳилликка ҳуқуқий асос бўла олмади...

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати натижасида сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги боқичига кўтарилиди, халқларимиз дўстлиги мустаҳкамланди.

Утган қисқа давр ичида давлатларимиз муносабатларини мустаҳкамлаш учун жуда кучли туртки берилди. Улкан ўзгаришлар содир бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилнинг март ойида давлат ташрифи мақомида амалга оширган Тожикистонга сафари билан икки томонлама алоқаларда янги саҳифа очилди.

Душанбеда дўстона муҳитда олиб борилган музокараларнинг конструктив руҳи сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда катта миқёсдаги икки тарафлама ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш омилли сифатида хизмат қилди.

Уша йилнинг август ойида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келди. Ўзтиборлиси, Тожикистон етакчили мамлакатимизга ташрифини узоқ танаффусдан сўнг, яъни 2001 йилда амалга оширган эди.

Тошкент ва Душанбе шаҳарларида сиёсат, савдо, энергетика, транспорт, маданият, илм-фан, таълим, хавфсизлик соҳаларида имзоланган 60 дан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар, меморандумлар, дастурлар ва “Йўл хариталари” дан иборат ҳужжатларнинг салмоқли тўплами давлат ташрифларининг юксак натижаларидан далолат беради. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг қабул қилиниши икки мамлакат ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил июнь ойида Тожикистонга амалга оширган расмий ташрифи ўзаро муносабатларимизни сифат жиҳатидан янги ўсиш суръатини намоён этди.

Бугун ҳар икки мамлакат раҳбарлари кўп томонлама шерикчилигини изчиллик билан ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун қатъий хоҳиш, шунингдек, янги марраларни елкама-елка туриб забт қилишга бўлган интилишини кўрсатмоқда. Ўзаро дўстона алоқалар аниқ амалий қадамлар билан бойитилган ҳолда, ўсиб боровчи траектория бўйлаб ривожланмоқда.

2016 йил сентябрдан то шу кунга қадар Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари 9 марта учрашдилар, қатор телефон мулоқотлари амалга оширилди. Мулоқот харақтери кўп жиҳатдан Президентлар ўртасида шаклланган ўзаро ишончдан келиб чиқади. Бу жиҳат давлатлар етакчилари бир-бирларига “қадрли биродарим” дея

муружаат қиладиган норасмий муносабатда ҳам намоён бўлади.

Олий даражада ўрнатилган очик, самимий мулоқотлар ҳукуматлараро ва идоралараро ҳамкорлиқни кучайтириш учун мустаҳкам пойдевор қўйди.

– Сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасида барча соҳалар ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда сиёсий соҳадаги ҳамкорлик муҳим ўринга эга. Шулар ҳусусида сўзлаб берсангиз.

– Бизда барча соҳаларда ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича аниқ қелишувлар мавжуд “Йўл хариталари” асосида муносабатларимизни мустаҳкамлаб келяпмиз. Бугунги кунда Ўзбекистон-Тожикистон ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий базаси 200 дан ортиқ икки томонлама ҳужжатдан иборат бўлиб, уларнинг қарийб ярми, аниқроғи 97 таси сўнгги тўрт йил ичида имзоланган.

Қонун чиқарувчи идоралар ўртасидаги муносабатларини ривожлантириш мақсидида 2017 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Тожикистон Парламенти билан ҳамкорлик бўйича Парламентлараро гуруҳи тузилди.

Ҳар икки давлат учун Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, икки ишлар соҳасида терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция, одам савдосига қарши курашиш, тезкор ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мудофаа соҳасида, жумладан, ҳарбий-техникавий йўналишида ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар ҳам давом эттирилипти.

Мамлакатларимиз бугунги кунда юзага келаятган хавфсизликка раҳна солишиш мумкин бўлган таҳдидларга қарши курашишда ҳамкорлик мустаҳкамланишидан манфаатдорлигини билдирмоқда. Ўзбекистон ва Тожикистон яқдиллик билан умумий фаровонлик ва тараққиётга эришиш мақсадларида минтақа доирасида биргаликда ҳаракат қилиш ниятини намоён этапти.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистон сув-энергетика ресурсларидан минтақа мамлакатлари манфаатлари билан ҳисоблашган ҳолда оқилона ва тенглик асосида фойдаланиш зарурати ҳақида бир тўхтамга келди. Хорижий экспертлар қайд этганидек, ушбу йўналишдаги ўзбек-тожик муносабатларининг конструктив харақтери Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлаш бўйича минтақавий харақатларни фаоллаштиришга ижобий таъсир этиши мумкин.

Ҳудудлараро ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро битим имзоланган бўлиб, унинг доирасида Тошкент ва Душанбе шаҳарлари, Сурхондарё ва Хатлон, Самарқанд ва Сўғд вилоятлари ҳокимликлари ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, икки мамлакат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорлиқни изчил давом эттирмоқда. Хавфсизликнинг замонавий таҳдидларига қарши курашиш, ядровий қуролларни тарқатмаслик тартибини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Баҳарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ва халқаро кун тартибидаги бошқа долзарб масалалар бўйича Ўзбекистон ва Тожикистоннинг позициялари ўқшадир.

– Мутахасссларнинг фикрича, Ўзбекистон ва Тожикистон эришган энг катта ва муҳим муваффақиятлардан бири бу чегара масаласининг ҳал қилиниши бўлди. Шу масалага ҳам тўхталиб ўтсангиз?

– 2018 йилнинг 1 мартида икки мамлакат фуқаролари ҳаётида чинакам нутилмас бахтли онлар бошланди. Зеро шу кундан Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари ўртасида эришилган қелишувларни амалга оширишнинг аниқ мисоли ўларок, Ўзбекистон ва Тожикистон Давлат чегараси орқали 9 та ўтиш пункти тантанали равишда очилди.

Кейинги йилларда давлат чегараларида жами 17 та ўтказиш пункти очилиб, шу муносабат билан ташкил этилган маросимларда туташ туманлар аҳолиси иштирок этиб миннатдорлигини билдирди.

Қардош халқларимиз сабрсизлик билан кутган мазкур воқелик фуқароларнинг бордин-келдисини оsonлаштиришга имкон яратди. Бу эса, ўз навбатида, икки мамлакат дўст халқларининг қариндошлик алоқаларини сақлашга ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Юқорида таъкидлаганимдек, 2016 йилдан сўнг чегаралар очилиб, “девор”лар қулади, сим тўсиқлар ўрнини “дўстлик дарвозалари” эгаллади.

Халқларимиз қиз олиб, қиз берган, қариндош бўлган. Урф-одатлари ҳам икки томли сув каби бир-бирига ўхшашидир. Икки қўшни давлат ўртасидаги муносабатларнинг илиқлашиши, биринчи навбатда, оддий одамлар ҳаётига ижобий таъсир қўрсатиди. Бунинг тасдиғи сифатида назорат-пунктларининг очилиши, давлатларимиз ўртасидаги темир йўл ва авиақатновнинг тикланиши халқларимиз томонидан қувонч билан қўтиб олинди. Чегарани кесиб ўтаётганлар ўзгаришларни дарров сезишди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил март ойида Тожикистонга амалга оширган давлат ташрифи якунларига кўра, икки давлат етакчилари умумий чегарани миналардан тозалаш бўйича барча ишлар 2019 йил охиригача якунлаштиришга қелишиб олишганди.

2020 йилнинг илк кунларида мамлакатларимиз расмийлари Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги чегараларга ўрнатилган миналар бутунлай тозаланганини эълон қилди. Оддий фуқаролар, айниқса, Ўзбекистон билан чегарага яқин жойларда яшаётган кишилар чегаралар минадан тозалангани ҳақидаги хабарни қувонч билан қўтиб олишди.

– Савдо-иқтисодий ва транспорт-логистика ўзаро муносабатларимизда муҳим ўрин тутди. Айни шу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳақида нималар дея оласиз?

– 2021 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 600 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Қўшма корхоналар сони 10 баробар ўсди. Агар 2017 йилда Ўзбекистонда 24 та корхона фаолият қўрсатган бўлса, 2021 йил охирига келиб Тожикистон капиталли иштирокидаги 240 та корхона ишлаб бошлади.

Тожикистонда Ўзбекистон сармояси киритилган 61 та корхона фаолият юритмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг ташаббуси билан “ТАЛКО-КРАНТАС” махсус компания ва курилиш автомобилларини йиғиш ҳамда созлаш бўйича қўшма ишлаб чиқариш корхонасининг очилиши яна бир муҳим воқеа бўлди.

Айниқса, Устав фонди 50 миллион АҚШ



доллари бўлган Ўзбекистон-Тожикистон инвестициявий компаниясининг ташкил этилиши муносабатларимиз ривожидида алоҳида ўринга эга.

Тожикистонда “Навоийазот” (Хўжанд), “Ўзбекистон” савдо уйи (Хўжанд), “Равон Моторс Тожикистон” (Душанбе) ва “Артель” (Душанбе) компанияларининг савдо уйлари ташкил этилди.

Иқтисодий ҳамкорлиқнинг алоҳида вектори транспорт-логистика соҳасидаги алоқалардир.

Ўзбекистоннинг қулай географик жойлашуви ва сертармоқ транспорт инфратузилмаси Тожикистонга ташқи бозорларга чиқиш йўллариини диверсификациялаш имкониятларини очади. Умумий транспорт-коммуникация салоҳиятини тўлиқ ишга солиш нафақат ўзаро савдони ўстиришга ёрдам беради, балки минтақалараро даражада гуманитар алоқаларни мустаҳкамлайди ҳам.

2017 йилда Ғалаба-Амузанг темир йўл алоқаси тикланди, Самарқанд-Панжикент участкасида А-377 халқаро автомобиль йўли очилди. Тошкент ва Душанбе ўртасидаги авиақатновлар тикланди. Ҳозирда парвозлар “Uzbekistan Airways” АЖ ва “Со-мон эйр” авиакомпаниялари томонидан ҳафтасига 2 марта амалга оширилмоқда.

Айни пайтда “Тошкент – Хўжанд”, “Қўқон – Шайдон” халқаро автобус йўналишлари мунтазам йўлга қўйилган. “Самарқанд – Душанбе” ва “Самарқанд – Панжикент” йўналишларида автобуслар қатновини ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда “Ўзбекистон — Тожикистон — Хитой” йўналишидаги транспорт коридорининг аҳамияти нечоғлиқ муҳимлигини айтиб ўтмоқчиман. Мазкур лойиҳа “Термиз – Саросиё – Душанбе – Ваҳдат – Қўлоб – Қальайи Хумб – Хоруғ – Кулма – Қошғар йўналишида ҳаракатланиб, умумий ҳисобда 1422 км масофани босиб ўтади.

Икки давлат темир йўл маъмуриялари ўртасидаги муносабатлар, жумладан, халқаро темир йўл тузилмалари, хусусан, МДҲга аъзо давлатларнинг Темир йўл транспорти бўйича марказий кенашти, Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти ва Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти доирасида ҳам самарали ривожланмоқда.

– Ўзбек халқининг маданий меросини тожиқлар эъзозлашади. Тожик маданияти дурдоналари эса ўзбеклар томонидан ҳамisha қадрланган. Ўзбеклар ва тожиқлар хурсандчилиқда ҳам, ғамда ҳам доимо бирга бўлганлар. Шу маънода, маданий-гуманитар соҳадаги ришталар қандай ривожланиб келмоқда?

– Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини биродарлиқнинг ўзига

хос ришталари боғлаб туради. Асрлар мобайнида ёнма-ён яшаб, улар тарихий маънавий илдишлар, маданиятлар, анъаналар, одатларнинг уйғунлиги билан боғланган. Уларни бир-биридан айри ҳолда тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Буюк аждодларимиз ва мутафаккирларимиз Навоий ва Жомий, Абдурауф Фират ва Садриддин Айний, Фафур Фулом ва Мирзо Турсунзода, Абдулла Орипов ва Лойиқ Шерали ўзбеклару тожиқларнинг самимий ва соф дўстлигини тараннум этганлар.

Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг икки халқ турмуш тарзи, ўхшаш жиҳатларини ифода этувчи қўйидаги сатрларини айтиб ўтишни жоиз деб билдим:

Дўсту қардошдир азалдан

Ўзбегим тожик билан,

Иккиси бир байт ғазалдан

Ўзбегим тожик билан.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқандда Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийга ҳайкал ўрнатилиши Тожикистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам катта хурсандчилик билан қўтиб олинди.

Ўзбекистон ва Тожикистонда икки халқнинг маданияти ва санъатини ўрганишга, ўзаро бойитишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Президентининг ташрифи давомидида имзоланган ҳужжатлар бунга янада кенг имконият яратади. Хусусан, Маданий-гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги битим халқларимизнинг маънавий алоқаларини мустаҳкамлаш, ёшларимизни умумий манфаатлар атрофида жиқлаштиришга йўналтирилган қатор лойиҳаларни кўзда тутди.

Тожикистон вакиллари Ўзбекистонда ўтказиладиган мақом, бахшичилик санъати анжуманлари, “Бойсун баҳори”, “Шарқ тароналари” халқаро фестивалларида доимий иштирок этиб келмоқда. Айниқса, 2018 йил Шаҳрисабзда ўтган мақом санъати халқаро форумида “Гран-при”ни илк бора Тожикистон «Шашмақом» академияси қўлга киритди.

Ўзбекистонда ҳам, Тожикистонда ҳам икки халқ маданияти ва санъати қуналари бўлиб ўтди. Чегара ҳудудларда икки давлат санъат усталари томонидан мунтазам концертлар ташкил этиш аънанга айланган. 2021 йил май ойида Тожикистонда Ўзбек киноси қуналари муваффақиятли ўтказилди.

Ўзбек ва тожик халқларининг атоқли мутафаккирлари Навоий ва Жомий дўстлиги ва икки ҳақида сўнгги 30 йил ичида илк бор қўшма тўлиқ метражли бадиий, тарихий фильм яратилмоқда. Европа, Америка ва Хиндистоннинг бир қатор таниқли кинорежисорлари ушбу фильмда иштирок этиш истагини билдирган.

Ўзбекистонда, барча миллат ва элатлар қатори, тожик маданиятини сақлаш

ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда бир миллион олти юз мингдан зиёд тожик миллиати мансуб фуқаролар истикомат қилмоқда, юртимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар орасида таниқли олимлар, тадбиркор ва фермерлар, ўқитувчи ва шифокорлар, турли даражадаги раҳбарлар бор.

Мамлакатимизда 15 та тожик миллий маданият маркази миллатлараро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда. Тожик тилида газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиозиштитиришлар эфирга узатилмоқда. 255 та мактабда таълим тожик тилида олиб борилаётир. Бир қатор олий ўқув юртиларида шундай факультетлар ва бўлимлар фаолият юритмоқда.

Юртимизда кейинги йилларнинг ўзиди тожик миллатига мансуб 130 фуқаро юксак давлат мукофотларига сазовор бўлди.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни муносабати билан журналистика соҳасида ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танловининг “Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун” номнаъясидида мана, икки йилдан буюн Тожикистон Республикасида фаолият юритаётган журналистлар голиблар сафидан жой олиб келмоқда.

Маданий-гуманитар алоқалар спорт ва таълим йўналишларини ҳам қамраб олган. Хусусан, икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида 65 шартнома ва меморандумлар имзоланди. Натижада ҳозирда Ўзбекистондаги 30 та олий ўқув юрти Тожикистондаги 15 дан ортиқ университетлар билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келяпти.

Кейинги беш йил ичида Ўзбекистон Фанлар академияси ва Тожикистон Миллий фанлар академияси ўртасида ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб боришда улкан қадамлар ташланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил Тожикистонга амалга оширган ташрифи давомидида Хатлон вилояти Қўбодийн туманида Ўзбекистон томонидан тиббиёт мажмуаси қўриб фойдаланишга топширилди. Ушбу 250 ўринли замонавий кўп тармоқли шифохона йилга 75 минг нафар беморга хизмат қўрсатиш имкониятига эга. Махмуа таркибидидаги поликлиника бир сменада 300 нафар ва бир йилда 219 минг нафардан зиёд беморга хизмат қўратишга мўлжалланган.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бўлиб ўтиши қутилаётган Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг учрашуви ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни сифат жиҳатидан янги даражаға олиб чиқади.

Ўтқир РАҲМАТ сўхбатлашди.



Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманидаги “Нурли обод” фермер ҳўхалиғи раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Лолаҳон Муротова — гўзал исмига монанд гўзал тақдир эгаси. Унинг ҳаёти, шахси, кечмиши, ўй ва интилишлари худди лала гулига, унинг қисматиға ўхшайди.

У мустабид тузум даврида туғилди, ўсиб-улғайди. Инсон механизмининг бир мурвати сифатида қўрилган замоналарда қанчалик машаққатли бўлмасин, ўз йўлини топишга интилди, ҳаёт учун курашди, тошларни ёриб, ёруғликка чиқа олди.

Ешлигидан жамоа ҳўхалиғида табелчилик қилди. Трактор паркида механик бўлиб ишлади. Трактор ҳайдади. Бу ҳақда Лолаҳон Муротованинг ўзи интервьюларининг бирида айтиб берганди:

– Қатор ораларига гўзаларни шикастлантириш ишлов бериш учун тракторчидан тузуқинча тажриба талаб этилади. Мен эса дадамнинг бир-икки кунгига ўргатишдан кейинок ишни бемалол эплаб кетгандим. Бригадирининг “Хар бир ишининг туммаси устаси бўлади. Бу қиз тумга тракторчи! Тўғма далачи!” дея қувонганди ўшанда.

Кўз келиб, пахта терими бошланган кунларнинг бирида Лолаҳон Муротова ёш бўлишиға қарамай нақадар шижоатли, ғайрати баланд эканини яна бир бор намоён этади. У “Менга терим машинаси беринглар, пахта тераман!”, деб туриб олади. Трактор парки бошлиғи: “Бу жуда оғир юмуш, масвум қизигидага кечқурунларим теришга тўғри келади”, дея аввалига тижирлик қилса-да, кейинчалик бир уриниб кўрсин, барибир чидолмасдан ишни ташлаб қочади, деган ўй билан унга агрегатни беради.

МЕҲНАТ ВА МАТОНАТ МАЛИКАСИ

Лола — гулларнинг аълоси. Даъфатан у жуда нафис, нозик хилқат янглиғ кўрсина-да, бу гулнинг ифорида, исми-жисмида, кўрку жамолида, эрта баҳор ниш отиб, бағр ёзишидан то кўлтам адоғида хазонага айланишида қандайдир сир, илоҳий бир гўзаллик яширин.

Лолага юксаклик, виқор ва салобат, мардлик, жасорат ва матонат хос. У гўрсиллаб ётган, озуқаға тўйинган, серунум тупроқда эмас, ҳаммадан баланд жойда — тоғда, баланд қояларда, тошлоқ адирларда ўсади. Машаққатлардан кўрқмайди, эрта баҳорда тошининг кўксини ёриб чиқади, қору довулларни писанд этмай, кўкка бўй чўзади.

Лола — озодлик, ҳурлик, эркинлик тимсоли. У ўзига хон, ўзига бек, чўққиларда нафис солланиб, оламға гўзаллик, нафосат, хуш бўй таратаверади...

Хотира — муқаддас

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон “Миллати гўза ичра бир лала” сарлавҳали эссесида айни шу воқеаға эътибор қаратади:

“Ташлаб қочиш ниймис? Ақинча, баъзи эркакларни ҳам доғда қилиб, биринчи йили 90 тонна пахта терди. Кейинги йили эса ундан ўтадигани бўлмди, 130 тонна терди барчани соясида қолдирди, кўша-кўша мукофотлар олди, донғи ёйла борди. Бу ютуқнинг сирини сўрасангиз, Лолаҳон соддагина хавоб қилди:

— Қанақа сир? Мен уйдан овқат олиб келиб, пахтазорнинг ўватида шоша-пиша еб олардим-у, шпинделларни эринмасдан тозалаб, яна тушка киришардим. Эракх шерикларим эса бир тилуқка чиққанича икки соатлаб йўқ бўл кетарди. Вақтни бой бермасликка ўрганган одам бошқаларға қараганда ўз-ўзидан сат олдинроқда юраверади. Фурсатни қадрлаш керак, ҳозир қилиш зарур бўлган ишни зарарчама орқаға сурмаган яхши.

Буни ўзига нисбатан талабчанлик, ўз шахсини ҳурматлаш дейдилар. Мана шунда гап қўп”. Лолаҳон Муротова механизаторлар билим юртини тамомлаб, ўз касбининг эгаси бўлиб олди. Илғор пахтакор сифатида қисқа муддатда аввал Олтиариқда, кейин эса бутун вилоятда ном қозонди.

Ёшлар пахтачилик бригадасиға раҳбарлик қилди. Шу-шу ўсишни бошлаб жамоа ҳўхалиғида бўлимин бошқарди. Ширқат тўғалғиғи раиси бўлди. Фермерлик харақати ташкил қўлгандан кейин биринчилар қаторида ўзи раҳбар бўлган қумлоқ жойлардан ер олиб, фермерлик қила бошлади.

Лолаҳон Муротова ерга меҳрини берди. Ер унга бағрини очди. Янги ерларни ўзлаштиришда ҳаммадан фаол бўлди. Ўзи тиним билмади, бошқаларни ҳам тиндирмади. Бир қарасангиз, мутасаддилардан техника сўраган, бир қарасангиз, фермерликда янги ташаббусларни илғари сурган. Шуниси эътиборлики, талабчан ер эгаси бўлиш билан бирга, опа ишчиларға ғамхўрлик қилишни ҳам, уларни ишлатишни ҳам биларди.

У ҳақиқий деҳқон қизи эди. Ернинг тилини тушунарди. Баъзи томорқачилар ўзининг 10 сотихли ҳўхалиғини эпломаслиғи мумкин. Лектин Лолаҳон Муротова юзлаб гектар ерларининг қанчаси жойида қандай экин яхши унади, майдон қанча хосил қўтара олади, шўрланган жойлари қаер — ҳаммасини беш бармоғидек биларди.

Қўқон шамолли йилнинг тўрт фаслида ҳам тинмай эсиб турадиган Марказий Фарғона ерларида деҳқончилик қилиш осон эмас. Майин эсган ел бир пасда оқ буридек увиллаб, қумли тўзонға айланади. Дала экинлари мунғайиб, чанг-ғуборға беланади. Ёки булоқ сувидек муссафҳо, лажувард осмонни гоҳида хаш-паш дегунча қора булут қоплаб, шаррос ёмғир қўйиб беради. Хоҳ бугдой, хоҳ гўза ниҳили ер билан битта бўлади.

Лолаҳон Муротова табиятининг бундай инжиқликларини олдиндан сезар, ишчилари билан талоқларнинг олдини олш ва уларға қарши курашишга доимо тайёр туради. Табиий офатларға қарши истиқболли чоралар қўллаш ва оқибатларини қисқа фурсатларда бартараф этишда моҳир миришкорға айланганди. Экинларға ишлов беришда,

ўғит солишда харажатлардан қочмас, жамоадошларига, энг муҳ

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining QARORI

Ўзбекистон Республикаси номидан

Фуқаро М.Хасанованинг шикояти бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 197 ва 206-моддаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 11 ва 27-моддаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (кейинги ўринларда — Конституциявий суд) раис М.Абдусаломов, судьялар А.Гафуров, Ф.Қаюмов, С.Кошаева, Б.Мирбобоев, Г.Пиржанов ва К.Улжаевдан иборат таркибда, катта эксперт К.Хамидованинг котиблигида, тараф — фуқаро М.Хасанова ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи “Grata” адвокатлик фирмаси адвокати Ф.Акрамов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмита раиси ўринбосари Ш.Чўлиеве, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони раҳбари ўринбосари Б.Раджабов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти бош маслаҳатчиси А.Юлдашев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони етакчи инспектори Т.Турсунбоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлими бошлиғи О.Норбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бош консультанти Ш.Ахатова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси катта прокурори А.Қодировнинг иштирокida, фуқаро М.Хасанованинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда — Фуқаролик кодекси) 197 ва 206-моддаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси (кейинги ўринларда — Уй-жой кодекси) 11 ва 27-моддаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг (кейинги ўринларда — Конституция) 53 ва 54-моддаларига мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоятни бўйича юриётилган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Маърузачи судья С.Кошаеванинг маърузасини, тараф М.Хасанова, адвокат Ф.Акрамов ва кўрсатиб ўтилган давлат идоралари вакилларининг фикрларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб, Конституциявий суд қуйдагиларни аниқлади:

Фуқаро М.Хасанова ўзининг 2022 йил 19 апрелдаги Конституциявий судга юборган шикоятда, шунингдек Конституциявий суд мажлисида Фуқаролик кодекси 197 ва 206-моддалари ҳамда Уй-жой кодекси 11 ва 27-моддалари унинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган, Конституцияга мувофиқ эмас ҳамда судда қўрилиши тугалланган муаяян ишда қўлланилган ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган деб ҳисоблаб, уларнинг Конституциянинг 53 ва 54-моддаларига мувофиқлигини аниқлашни сўраган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 12 февралдаги 225-сон қарори билан “В-В-STROY” МЧЖга Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Олтинтепа кўчасида жойлашган 0,925 га ер участкасини дастлабки захирাগа олиш ва кўп қаватли уй-жой (бинолар)ни қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун рухсат берилган. Мазкур қарорнинг иловасида бошқа уйлар қаторида Олтинтепа кўчасидаги 249-уй ҳам бузилиши белгиланган.

“В-В-STROY” МЧЖ ва фуқаро М.Хасанова даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судининг 2020 йил 30 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар “В-В-STROY” МЧЖнинг жавобгар М.Хасановага нисбатан уно ва у билан бирга яшаб келаётган барча шахсларни Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 249-уй, 5-квартирадан Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Қорасув-1 массиви, 8-уй, 2-квартирага кўчириш ҳақидаги даъво талабларини ҳамда М.Хасанованинг жавобгар “В-В-STROY” МЧЖга нисбатан қурилиш ишларини тўхтатиш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантириш Фуқаролик кодекси 206-моддаси ва Уй-жой кодекси 27-моддаси қўлланилиб рад этилган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 19 ноябрдаги ажримига кўра, Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судининг 2020 йил 30 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар “В-В-STROY” МЧЖнинг жавобгар М.Хасановага нисбатан уно ва у билан бирга яшаб келаётган барча шахсларни Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 249-уй, 5-квартирадан Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Қорасув-1 массиви, 8-уй, 2-квартирага кўчириш, шунингдек, фуқаро М.Хасанованинг умумий фойдала майдони 63,62 кв.м. икки хонадан иборат бўлган Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Қорасув-1 массиви, 8-уй, 2-квартирага мулк ҳуқуқини белгилаш ҳамда унинг Тошкент

шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 249-уй, 5-квартирага бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш белгиланган.

Фуқаро М.Хасанова Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация шикояти билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 25 январдаги ажримига кўра Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг мазкур ажрими Фуқаролик кодекси 206-моддаси ва Уй-жой кодекси 27-моддаси асосида ўзгаришсиз қолдирилган.

Фуқаро М.Хасанова суд томонидан қўлланилган Фуқаролик кодексининг 206-моддаси ва Уй-жой кодексининг 27-моддаси нормалари ҳамда суд томонидан қўлланилмаган, аммо қўлланилган нормалар қондаларини тақдорлайдиган Фуқаролик кодексининг 197-моддаси ва Уй-жой кодексининг 11-моддаси нормаларини Конституциянинг 53 ва 54-моддаларига мувофиқ эмас, деб ҳисобламакда.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 82-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ “Конституциявий суд Конституцияга мувофиқлиги ҳусусида шубҳа тўғдирган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириб, текширилган ҳужжатга асосланган ёҳуд унинг қондаларини тақдорлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳусусида ҳам, гарчи Конституциявий суд кўриб чиқиши учун қиритилган мурожаатда улар тўғрисида сўз юриётилмаган бўлса-да, бир вақтингн ўзида қарор чиқаришга ҳақли”.

Конституциянинг “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида-дир. Мулкдор факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин”.

Конституциянинг 54-моддасига мувофиқ “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”.

Мурожаат муаллифи унинг мулкидан маҳрум этилиши (мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши) ва мулкнинг олиб қўйилиши масалаларини тартиб-га соладиган қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашни сўраб, Конституциявий судга мурожаат этганлиги ва Конституция 53-моддасининг иккинчи қисми мулкдорнинг ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкинлигини назарда тутганлиги сабабли Конституциявий суд томонидан мазкур масалаларни тартибга солидиган қонун нормалари тахлил қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган УРҚ-683-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги Қонун 55-моддасининг 12-бандига мувофиқ Фуқаролик кодекси бошқа моддалари билан бир қаторда 83-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 166-моддасининг учинчи қисмидаги, 198-моддасининг биринчи қисмидаги, 199-моддасининг биринчи қисмидаги ва 206-моддасининг биринчи қисмидаги тегишли келишидаги “**қонунлар**” деган сўз тегишли келишидаги “**қонун ҳужжатлари**” деган сўзлар билан алмаштирилган.

Фуқаролик кодекси 83-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш ва улар бекор бўлишининг ҳусусиятлари **қонун ҳужжатлари** билан белгилаб қўйилади; 166-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ мулкдорнинг мол-мулкнини олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга факат **қонун ҳужжатларида** назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади; 198-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мол-мулкни йўқ қилиш (туғатиш) натижасида мулк ҳуқуқини бекор қилишга **қонун ҳужжатларида** зид бўлмаган ҳолларда йўл қўйилади; 199-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мол-мулкни мулкдордан олиб қўйишга **қонун ҳужжатларида** назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу мол-мулкка қаратилган тақдирда, шунингдек национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибда йўл қўйилади; 206-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкнини олиб қўйишга бевосита қаратилмаган қарори муносабати билан, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига **қонун ҳужжат-**

ларида

белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади... деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган УРҚ-683-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги Қонун 55-моддасининг 2-бандига мувофиқ Фуқаролик кодекси 197-моддасидаги тегишли келишидаги “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар тегишли келишидаги “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилган.

Фуқаролик кодексининг 197-моддаси қуйдагича ифодаланган.

“Мулк ҳуқуқи мулкдорнинг ихтиёрий суратда мажбуриятни бажариши, мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қарори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек мулк ҳуқуқини бекор қилувчи **қонунчилик**ка асосан бекор бўлади”.

Мурожаат муаллифи Конституциявий суддан Уй-жой кодекси 11 ва 27-моддаларининг ҳам Конституцияга мувофиқлигини аниқлашни сўраган. Мазкур моддалардаги қўрилаётган ишга дахлдор бўлган нормалар қуйдагича ифодаланган.

Уй-жой кодексининг 11-моддаси бешинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ хусусий мулк бўлган уйлар, квартиралар олиб қўйилиши, мулкдор эса уйга, квартирага мулк ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас, **қонунда** белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Турар жой факат **қонунда** белгиланган ҳолларда ва тартибда суднинг қарорига асосан мажбурий тарзда олиб қўйилиши мумкин.

Мазкур Кодекснинг 27-моддасига мувофиқ ер участкалари давлат ёки жамяят эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкига бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танловы бўйича ва тарафлар қелишувига кўра, уй-жой майдонининг ихтимойй нормасидан кам бўлмаган сахнда, барча қўлайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарактларнинг бозор қиймати тўланади ёҳуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарактларнинг бозор қиймати, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим, берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда эса, ушбу фарқ мулкдор томонидан қайтарилиши талаб этилмайди.

Бузилаётган уйлар ўрнига турар жойни мулк қилиб бериш ва уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ҳамда дов-дарактлар қийматини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қўрсатилган қонун нормалари таҳлили асосида қуйдагига ҳулосага келиш мумкин.

Конституциянинг 53-моддасига асосан “Мулкдор факат **қонунда** назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин”.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган УРҚ-683-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Фуқаролик кодексининг қўрсатилган моддалар тегишли қисмларига қиритилган ўзгаришлар натижасида улар Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисми қондаларига мувофиқ бўлмай қолган. Мазкур Қонун кучга киргунга қадар Фуқаролик кодекси қўрсатилган моддаларининг тегишли қисмлари Конституцияга мувофиқ бўлган. Чунки уларда мулк ҳуқуқининг қонун асосида бекор қилиниши назарда тутилган эди.

Мазкур Қонун кучга киргунга қадар ҳам Фуқаролик кодекси 197-моддасидаги мулк ҳуқуқи “... мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади” деган қисми Конституцияга мувофиқ бўлмаган.

Мулкдорнинг ўз мулкидан маҳрум этилишининг ҳуқуқий асоси турли қонунларда турлича белгиланган.

Фуқаролик кодекси қўрсатилган моддаларининг тегишли қисмлариди бундай ҳуқуқий асос сифатида “**қонун ҳужжатлари**”, мазкур Кодекс 197-моддасида “**қонунчилик**”, Уй-жой кодексининг 11-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмлариди ҳамда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қаноатланиши тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг биринчи қисмида “**қонун**” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган УРҚ-683-сон “Нор-

матив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун 7-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ **қонун ҳужжатларини** Конституция, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ташкил этади. Мазкур Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг “**қонунчилиги**” деганда қонуности ҳужжатлари ҳам тушунилади.

Мулкдорнинг ўз мулкдан “**қонун ҳужжатлари**” ёки “**қонунчилик**” асосида маҳрум қилиниши Конституциянинг 53-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эмас.

Мурожаат муаллифи Конституцияга мувофиқлигини аниқлашни сўраган Уй-жой кодекси 11-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмлари, 27-моддаси, шунингдек, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қаноатланиши тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг биринчи қисми қондаларининг таҳлили уларнинг Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, мулкдор мулк ҳуқуқининг Олий Мажлиси палаталари қарорлари ёки қонуности ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилиниши мумкинлигини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган УРҚ-683-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги Қонун 55-моддасининг 12-бандидаги Фуқаролик кодексининг 83, 166, 198, 199 ва 206-моддаларига тегишли қисми ҳамда Фуқаролик кодекси 197-моддасидаги мулк ҳуқуқи “... мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонунчиликка асосан бекор бўлади”, деган қисми Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисмига мувофиқлаштирилиши лозим.

Фуқаро М.Хасанова Конституциявий суддан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари қаноатланиши таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарорини судлар томонидан қўлланилиши юзасидан ҳам айрим саволларга жавоб беришни сўраган. Унинг бундай саволларига жавоб бериш Конституция ва қонунларга мувофиқ Конституциявий суднинг ваколатига кирмайди.

Юрида баён қилинганлардан келиб чиқиб, Конституция 109-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун 4-моддаси иккинчи қисми, 69, 72, 82 ва 86-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган УРҚ-683-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги Қонун 55-моддасининг 12-бандидаги Фуқаролик кодексининг 83, 166, 198, 199 ва 206-моддаларига тегишли қисми ҳамда Фуқаролик кодекси 197-моддасининг мулк ҳуқуқи “... мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонунчиликка асосан бекор бўлади”, деган қисми Конституцияга мувофиқ эмас деб топилсин.

2. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун 73-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Конституциявий суднинг қарорига кўра Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми ўзининг амал қилишини тугатади. Мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган ҳужжатни қабул қилган давлат органи ўз ҳужжатини Конституциявий суднинг қарори асосида бир ойдан кечиктирмай Конституцияга мувофиқлаштириши керак.

3. Уй-жой кодекси 11-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмлари, 27-моддаси ҳамда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қаноатланиши тўғрисида”ги Қонун 19-моддасининг биринчи қисми Конституцияга мувофиқ деб топилсин.

4. Ушбу қарор “Халқ сўзи” газетаси, “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўлами”, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ва Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

5. Мазкур қарор қатъий, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас ва у расмий эълон қилинган қундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Тошкент шаҳри 2022 йил 31 май

SANOAT QURILISH BANK

2021 йил якуни бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорлар йиллик умумий йиғилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки акциядорлари диққатига!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Қузатув кенгаши 2022 йил 24 июнь кунин Тошкент вақти билан соат 10-00 да, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бош оғбосининг мажлислар залида банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.

ЙИГИЛИШ ҚУН ТАРТИБИ:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2021 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда банкни ривожлантириш стратегиясининг бажарилиши бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Банк Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини эшитиш.
3. Банкнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банк фойдасини тақсимлаш ва ҳар бир Кенгаш аъзосига корпоратив йил учун тўланадиган муқофот ва компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш.
5. 2021-2022 корпоратив йилда Банк Кенгашининг ўз-ўзини ҳамда ҳар бир Кенгаш аъзосини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
6. Банкда корпоратив бошқарув тизимининг 2021 йил якунларига кўра ўтказилган мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
7. Корпоратив йилга Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Корпоратив йилга Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
9. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини тузиш/ўзайтириш тўғрисида.
10. 2022 молия йили бўйича Банкда ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудитор ташкилоти ва ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг қўп ҳақ миқдорини белгилаш.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (КР)ни тасдиқлаш тўғрисида.

12. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Уставини (янги тахрирда) тасдиқлаш тўғрисида.

13. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви тўғрисидаги Низомга қиритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчаларни тасдиқлаш тўғрисида.

14. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши тўғрисидаги Низомга қиритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчаларни тасдиқлаш тўғрисида.

15. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

16. Халқаро молия корпорацияси (ХМК) томонидан банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилинувчи кредитнинг валютасини ўзгаришлар ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳамда ХМК ўртасида 2021 йил 20 сентябрда имзоланган Кредит битимига қўшимча қилишув тузиш масаласини маълумлаш.

17. Европа тикланиши ва тараққиёт банкнинг 50 млн. АҚШ доллари эквивалентидида кредитини банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан жалб этиш масаласини маълумлаш.

■ Акциядорларга йиллик умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақида **хабардор қилиш** учун реестрни шакллантириш санаси: **2022 йил 31 май**.

■ Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида **иштирок этиш** ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: **2022 йил 20 июнь**.

■ Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишга оид ҳужжатлар билан банкнинг www.sqb.uz корпоратив веб-сайти орқали танишишингиз ёки info@sqb.uz электрон манзили орқали сўров юборилишингиз мумкин.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2022 йил 24 июнь Тошкент вақти билан соат 10⁰⁰ да бошланиб 10⁵⁵ да тўхтатилади. Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш учун:

— акциядор (ҳисмоний шахс) шахсини тасдиқловчи ҳужжат — паспорт билан;

— акциядор вакили — нотариал тасдиқланган ишончнома ва паспорт билан;

— юридик шахс акциядор (корхона раҳбарлари) шахсини тасдиқловчи ҳужжат — паспорт ёки гувоҳнома, лавозимига тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси билан;

— юридик шахс акциядор вакиллари ишончнома (корхонанинг фирма бланкасида, муҳрланган

ОИЛА БАҒРИДА УЛҒАЙИШ БАХТИ



Халқимизга хос қадрият

Болажонлик — халқимизнинг энг ноёб ва муштовз қадриятларидан бири. Иккинчи жаҳон уруши йилларида уруш ўчоғига айланган ўлкалардан Ўзбекистонга эвакуация қилинган минглаб болалар ўзбек oilаларига joyлаштирилгани бутун дунёга маълум. Халқимиз турли миллат ва киллари бўлган бу нарасидалар билан бир бурда нонини ҳам тенг баҳам кўрган, уларга меҳрибонлик кўрсатган. Ўз фарзандларидан кам қилмай, соясига-да гард юқтирмай воёга етказган.

Тўғриси тани олиш керак, одамларнинг қорни нонга тўймаган, қаҳатчилик, қимматчилик замонларида ҳам хар бир oilанинг камида 5-6 та, бўлмаса, 10 — 15 тагача фарзандлари бўлган. Лекин ота-она қанчалик камбағал бўлмасин, етишмовчиликдан нолимаган, фарзандларини етимхона ёки болалар уйига бермаган. Таассуфки, омон-омон замонларда, аҳолининг яшаш шароити, моддий таъминоти яхшиланган бир даврда ота-онани ҳаёт, лекин ўзи болалар уйи тасаруфига берилган тирик етимлар сони, Меҳрибонлик уйлари кўпайгандан кўпайди.

Нега бундай бўлди?

Маълумотларга қараганда, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларидаги хар 100 минг боланинг 666 нафари, Ўзбекистонда эса 200 нафардан кўпроғи интернет шакидаги муассасаларда тарбияланмоқда. Ўзбекистондаги бундай кўрсаткич минтақадагидан паст бўлса-да, ушбу муаммо давлатимиз эътиборида бўлиб келмоқда.

Бола бахтли яшаши учун, аввало, унга ота-она, oilа керак. БМТ ана шу долзарб масалани дунё ҳамжамияти олдига қўндаланг қилиб қўйди. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида oilа жамиятнинг асосий бўлини ва барча аъзоларининг, айниқса, болаларнинг ўсиши ва фаровонлиги учун табиий муҳит сифатида келтирилган. Лекин бугунги кунда қўлгина ёш oilалар моддий қийинчиликлар ва иқтисодий етишмовчиликлар сабабли ўз фарзандларини ота-онани, қариндошлари, танишлари қарамоғида қолдириб, ўзлари пул топиш учун хорижга узок муддатларга кетяпти. Натижада болалар етарли даражада назоратда бўлмагачи ва бунинг оқибатда жамият миқёсида турли муаммолар келиб чиқяпти.

Меҳрибонлик уйларига joyлаштирилган болаларнинг кўпчилигининг ота-онани ҳаёт, аммо улар oilавий келишмовчилик, ижтимоий ноқорлик ва бошқа турли баҳоналар билан ташлаб кетилган. Бу, ав-

бўлолмайди. Собиқ шўро тузуми даврида масъулиятсиз никоҳлар, енгилтақлик асосига қурилган муваққат oilалар сабаб, боқимандалик кайфияти кенг тарқалди ва ўз-ўзидан болалар уйлари ҳам кўпайиб кетди. Шўро тузуми арбоблари онгли равишда ана шу сиёсатни қўллаб-қувватлади, жамиятда етим болаларнинг кўпайишига рағбат билан қаради. Давлат болага ғамхўрлик қилди, уни зарур бўлган ҳамма нарсa билан таъминлади, аммо ота-она меҳрини беролмади. Натижада бола аламзада ва шафқатсиз кимса сифатида воёга етди. Шўро ҳукумати онгли равишда бундай болаларни турли куч ишлатар тизимларга жалб этиб, улардан тузумга қарши чиққанларни ёки ўз дунёқарашини ва фикрига эга бўлган инсонларни маҳв қилишда курул сифатида фойдаланди.

Бола ҳуқуқлари декларациясининг 6-тамоилида бола ўз шахсиятининг тўлиқ ҳамда баркамол ривожланишида меҳр ва уни тушунишларига муҳтож, дейилган. Бола имкон борича ота-онани масъулияти остида, уларнинг қарамоғида, хар қандай ҳолатда ҳам меҳр билан, маънавий ва моддий таъминотда ўсиши керак. Ёш бола вазиятлар тоқоза қилган алоҳида ҳолатлардан ташқари онасидан ажралмаслиги зарур. Жамият ва ҳукумат органлари зиммасида oilасиз ва етарлича яшаш имконига эга бўлмаган болаларга алоҳида ғамхўрлик қилиш мажбурияти бўлиши керак. Катта oilаларга давлат томонидан болани қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа имтиёз (нафақа)лар берилиши мақсадга мувофиқ. Шунинг учун болалик ва oilани ҳимоя қилишнинг замонавий тизимини яратиш кун тартибига киритилди.

Гўдакка доимий ғамхўрлик керак

Болалар табиятан ота-оналари томонидан қўллаб-қувватланишга, уларнинг ҳамдардчилигига муҳтож бўлишади. Ота-онани йўқлиги уларни эзади ва шахсий фазилатларини яқсон қилади. Оқибатда улар бир умрга одамови, меров ва ғамгин, кўнгли кемтик бўлиб қолади.

Ота-онани улгайтирган гўдак ишончли ҳимоя ва ғамхўрлик остида эканини ҳис қилади. Аммо биз, катталар бу жараённинг болалар ривожланиши учун нақадар муҳимлигини қамдан-кам ҳолларда тушунаш. Тўлақонли циклда ўзига баҳо бериш, когнитив ривожланиш ва боланинг таълим олиш қобилиятлари ўртасида кучли ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлади.

Меҳрибонлик уйда одатда 5 — 20 нафар гўдакка хар 8 соатда алмашиб турадиган бир тарбиячи тўғри келадиган бўлса, табиийки, бундай шароитда хар боланинг индивидуал эҳтиёжини мунтазам равишда

кинчи даражали ишга айланади, унинг оч қолиш ёки таги ҳўл бўлиши ҳолатига тарбиячи томонидан реакция бўлмагани боис йиғлайди, нола қилади, охири хоҳласа-хоҳламаса ҳам бундай ноқулайликларга қўни-кишга мажбур бўлади. Жисмоний ва руҳий ривожланишдан ортда қолади.

Меҳрибонлик уйлари нега ёпилди?

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда oilа институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари билан босқичма-босқич кам комплектли болалар шахарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқоиб шаклларига ўтказиш мақсадида 2019 — 2023 йилларда Меҳрибонлик уйлари ноинституционаллаштириш дастури ишлаб чиқилган эди. Ушбу ҳаракатлар режаси oilаларни қўллаб-қувватлаш хизматларини яратиш, болалар ва oilалар ажралишининг олдини олиш йўлида қўйилган ноанъанавий қадам бўлди.

Президентнинг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Меҳрибонлик уйи, Болалар шахарчалари, oilавий болалар уйлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйлари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига бириктирилди.

Шундан кейин Меҳрибонлик уйлари, Болалар шахарчаларида яшаётган воёга етмаган ўсимир ўғил-қизларни аста-секинлик билан ўз oilасига қайтариш ёки талабгор бўлган бошқа oilаларга бериш чоралари қўрила бошланди. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни oilаларга бериш-бермаслик масаласи Халқ таълими вазирлиги тасаруфлари ҳамда Миллий гвардия кураторлиги остида ҳал қилинадиган бўлди. Миллий гвардия ташаббуси билан вилоятларда болани oilасига олиши мумкин бўлган номзодлар танлаб олиниб, oilавий болалар уйлари ташкил этилди. Бундай oilалар эндиликда Меҳрибонлик уйларининг ўрнини босиб, ўғил-қизларни oilавий ҳаётга тайёрлайдиган масканга айланимоқда.

Хозирги кунда БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси имкони борича болаларни институционал муассасаларга joyлаштиришдан воз кечиш борасида иш олиб борапти ва айнан oilавий болалар уйи тизимини таркиб топтиришни қўллаб-қувватламоқда.

“Миннатинг бошимга дурра...”

Академик шоир Фафур Фуломнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган “Сен етим эмассан” шеърдаги бу каби мисраларни ўқиб, кўзига ёш келмаган инсон бўлмаса керак. Асардаги бағрикенглик, инсонийлик туйғулари миллат эҳниятига хос қадриятлардир. Бугун Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўғил-қизларнинг болалар ота-оналар қарамоғига олинаётгани кўнгилларга таскин беради. Аслида Меҳрибонлик уйларининг ёпилиши узок йиллардан бери кутилаётган ҳолат эди. Сабаби юртимиздаги бундай масканларда чин етим болалар 3 фоизни ташкил этса, қолганлари ота-онани, қариндошлари бўла туриб, тирик етим бўлиб юрган ўғил-қизлардир. Хозирги пайтда ана шу болалар ўзининг қариндоши — аммиси, холаси ёки тоғасига истаса васийлик, ҳоимлик ёки патронаж ҳосибода бериладиган бўлди. Агар боланинг аяқларини топишмаса, уларни болалар oilалар ўз тарбиясига ола бошлади. Натижада бундай oilалар сони кундан-кунга ошиб борапти. Фарзандликка олиш ва oilавий бола-



Суратлар “Халқ сўзи” фотожаммасидан олинди.

лар уйлари ташкил этиш жараёни соддалаштирилди.

Республика миқёсида фаолият юритаётган болалар муассасаларидан фарзанд асраб олиш истагида бўлган oilалар сони 6 мингдан зиёд бўлиб, айни вақтда oilавий болалар уйлари ташкил этиш ва ўғил-қизларни oilа тарбиясига олиш истагида бўлганлар сони кўпайиб бормоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳозир бир нафар болага фарзанд асраб олиш истагида бўлган 10 ва ундан кўпроқ oilа тўғри келмоқда. Болаларни oilага тарбияга бериш жараёнида мурожаат қилувчилар ўрнатилган тартибда хар томонлама текширувдан ўтказилади ва доимий назоратда бўлади.

Бунда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар дуч келган oilаларга беришмайди. Ақсинча, мурожаат этувчи oilалар орасидан фарзанд тарбиясида тақрибага эга, бола учун ҳақиқий oilа муҳитини яратишга қодир бўлган ота-она танланади. Улар ўз хоҳишига қўра, 10 нафарча бола асраб олиши мумкин. Бунинг учун низомига қўра, ота-онанинг ўз фарзандлари ҳам бўлиши, яъни бола тарбиясида тақрибага эгалиги ҳисобга олинади. Oilавий болалар уйи эгалари болаларнинг тарбиячиси, яъни ота-онани ҳисобланади. Уларнинг болаларни тарбиялашдаги фаолияти иш ҳақи билан рағбатлантирилади ва меҳнат шартлари белгиланади. Тарбияланувчилар таъминоти учун давлат томонидан молиявий қўмак бериб борилади.

Ўн та бўлса, ўрни бошқа

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини фарзандликка олиш мамлакат миқёсида оммиявляшиб, ўқисқ қалбларга малҳам бўлаётган oilалар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ўтган бир йил ичида республикаимизда фаолият юритаётган Меҳрибонлик уйлари, Болалар шахарчалари, Болалар уйлари ва SOS — болалар маҳаллалари тугатилиб, у ерда тарбияланаётган ўғил-қизларнинг асарияти ота-оналар томонидан фарзандликка олинди. Воёга етган йигит-қизлар имтиёзли асосда олий ва ўрта-маҳус таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинмоқда, уй-жой билан таъминланмоқда.

Масалан, Қашқадар вилоятининг Муборак туманида яшовчи Отабек Норчаев ва Мақсуда Убайдуллаева oilаси ўз фарзандларини тарбиялашдан ташқари Меҳрибонлик уйдан 10 нафаргача болани олишга шароити борлигини билдирди. Вилоят Миллий гвардия ва вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари бу oilанинг шароитини бориб ўрганди. “Мақсуда она oilавий болалар уйи” ташкил этиш бўйича туман ҳокимининг қарори имзоланди. Хозирги пайтда 10 нафар бола “Истиклол” МФИда истиқомат қилаётган Норчаевлар oilаси бағрида камчиликларсиз воёга етмоқда.

Oilавий болалар уйини ташкил этиш янги тизим бўлгани боис бу борада муаммолар ҳам бўлиши табиий. Масалан, болаларни oilавий уйларга олаётган ота-оналар ўртасида ўз манфаатини қўлаб, уларнинг меҳнатидан фойдаланиш ёки иш жойига эга бўлиш каби хоҳишларни қўлаётганлар ҳам топилади. Бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ҳокимликлар қошида маҳус комиссиялар

Янги тизимнинг афзалликлари нимада?

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти Меҳрибонлик уйларидаги болаларнинг oilада, ота-она меҳри ва ғамхўрлигида тарбияланиш орзу-истакларини руёбга чиқариш, соҳада болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини тақомиллаштириш ҳамда фарзанд асраб олиш истагида бўлган фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоялашдан ibорат.

Асосий мақсад эса етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг баркамол авлод сифатида шаклланишига ёрдам кўрсатиш ҳамда жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан ibорат.

Oilавий болалар уйларининг афзалликлари шундан ibоратки, унда тарбияланувчилар шахсий ва oilавий ҳаётда ҳамда меҳнат фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган турли муаммолари борасида тутилган ота-оналаридан аяқидан ёрдам сўраш, маслаҳатлар олиш билан бирга, ўрталаридаги oilавий муносабатларни умрининг охиригача сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, oilадаги аъёналар ва урф-одатларнинг давом этишига замин яратилади.

Oilаларда тарбияланаётган болаларимиз маҳалла ҳаётига аяқидан жалб этилмоқда ва турли маросимларда бевосита иштирок этмоқда. Қиз болаларни турмушга тайёрлаш курслари ташкил этилиб, пазандачилик, қандолатчилик соҳалари ўргатилмоқда, уларда хонадонга ташриф буюрган меҳмонни кутиб олиш маданияти ҳамда миллий ва oilавий маросимларни ўтказишга доир тарбиявий, ахлоқий ва ҳаётий қўниқмалар шакллантирилмоқда.

Улар oilасидаги буви-бувалари ва маҳалласидаги ёши улуг отахон-онахонларнинг панд-насиҳатлари, ўғитларидан баҳраманд бўлиб, oilа муҳитида яшаш, муштакил рўзгор юритишни ўрганимоқда. Уларда ота-она меҳридан қониқиш туйғулари пайдо бўлмоқда. Oilаларга жалб этилган болаларнинг жамиятимиз фаол аъзоси сифатида дунёқарашини ўзгартипти. Ҳаётга, яшашга бўлган муносабати янгиланяпти.

Зеро, боланинг бегонаси бўлмайди. Шундай экан, келажакимиз ворислари бахтли oilа бағрида улғайиши, ҳаётда муносиб ўрнини топиши зарур. Эзгу мақсад айни шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Нурulloҳ ОСТОнов
(«Халқ сўзи»).

Respublika olimpiya zaxiralari tennis maktabi (ROZTM)

2011-2012-yillarda tug'ilgan, umumta'lim maktablarining 4-sinfini bitirgan, tennis bo'yicha tayyorlov guruhida kamida

3 yil shug'ullangan, shuningdek, 2010-2011-yillarda tug'ilgan,

5-sinfni bitirgan, Respublika chempionatlari g'olibi va sovrindori bo'lgan hamda O'zbekiston tennis federatsiyasi reytingiga ega o'g'il va qiz bolalar qabuli e'lon qilinadi.

Hujjatlar 2022-yil 1-iyuldan 30-iyulga qadar quyidagi manzilda qabul qilinadi: 100125, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Yalang'och mavzesi, ROZTM.

Tankov test sinovlari 2022-yil 5-avgustdan boshlanadi.

To'liq ma'lumotni Respublika olimpiya zaxiralari tennis maktabidan olishingiz mumkin.

Respublika olimpiya zaxiralari tennis maktabi telefonlari: 71-208-94-96, 97-380-86-66.

Ўзбекистон давлат консерваторияси

қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

■ **Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси:** профессор — 1 ўрин, доцент — 2 ўрин, катта ўқитувчи — 2 ўрин;

■ **Пуфлама ва зарбли чолғулар кафедраси:** профессор — 1 ўрин;

■ **Факультетларига фортепиано ижрочилиги кафедраси:** доцент — 1 ўрин;

■ **Оркестр дирижёрлиги кафедраси:** доцент — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;

■ **Музыка тарихи ва танқиди кафедраси:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин;

■ **Маҳсус фортепиано кафедраси:** катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 2 ўрин;

■ **Муслиқ педагогика:** ўқитувчи — 1 ўрин;

■ **Ўзбек тили ва ижтимоий фанлар:** катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Танловда қатнашиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- реktor номига ариза;
- ҳодимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ҳодимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил:

100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй.

Хурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тошкент вилоятининг Охангарон, Ўрта Чирчиқ туманлари ва Нурафшон, Олмалик шахарлари (1-лот), Бекобод, Бўқа, Пискент ва Окқўрган туманлари (2-лот), Қуйи Чирчиқ, Зангиота, Чиноз, Янгийўл туманлари ва Янгийўл шаҳри (3-лот) маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан икки босқичли тендернинг биринчи босқичи бошланганлигини эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар, дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ва Маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссиясига деб ёзилган ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига, шунингдек, Давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш агентлигига ариза нусхаси (иловаларсиз), **2022 йилнинг 4 июль соат 18.00 га** (Тошкент вақти билан) қадар тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ бир босқичли тендерда битим тузиш ҳуқуқи бўйича ғолибини аниқлаш учун талабгорларнинг тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тасдиқланган лойиҳа концепцияси ҳақида Давлат экология қўмитасининг **eco.gov.uz** ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш агентлигининг **pprpa.uz** расмий веб-сайтларида ёки қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин.

100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳқўчаси, 7-“А” уй.
Телефонлар: 71-207-07-70 (1072#, 5003#), 93-501-19-00, 99-016-17-56.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 223 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза ажуни — 21.35 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6